ЎзССР Давлат китоб палатаси
Инв.
30 12 95

Илм ўзни билмакдир

# Ма'рифат

MA'RIFAT ✶ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ✶ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1995 йил 29 ноябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | 47 (6693)

# ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам дўстлар!

Самарқанд — бекиёс қудрати, бой тарих ва бетакрор маданияти билан дунё аҳли диққатини ўзига тортган қадимий макон. Кўҳна Туроннинг улуғ анъаналари, жаҳон цивилизацияси ривожининг муҳим даврлари бевосита шу замин билан боғлиқ. Чиндан ҳам, Самарқанд дунё тараққиётининг бешикларидан биридир. Буни Ўзбекистонга ташриф буюрган ҳар бир давлат ва сиёсат арбоби, фан ва маданият вакили алоҳида таъкидламоқда ва тан олмоқда.

Олис тарихимиз бизда миллий давлатчилик анъаналари кўп асрлар олдин шаклланганидан далолат беради. Улуғ Амир Темур давлатчилиги, унинг ўзига хос сиёсат ва бошқарувчилик усули, адолатли жамият барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари бугунги давлатчилигимизни янги мазмун билан бойитишда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис келгуси йили ЮНЕСКО қарори билан буюк бобомизнинг 660 йиллик туйини бутун жаҳон нишонлайди.

Мамлакатимиз тарихан қисқа муддатда катта ютуқларни қўлга киритди. Биз мустақилликнинг ўтган йиллари мобайнида сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан буюк мамлакатнинг пойдеворини қўйдик. Бутунлай янги тарихий шароитларда миллий давлатчилигимизнинг асосини яратдик. Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни тобора чуқурлашмоқда.

Дунё сиёсатдонлари Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатини маъқулламоқдалар. Халқаро ташкилотлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислоҳотларни қўллаб-қувватламоқдалар. Биз бутунлай янги, ўз миллий анъаналаримизга хос бўлган, халқимиз турмуш тарзи ва урф-одатларига тўғри келадиган, айни пайтда жаҳон андозаларига мос баркамол жамият қуриш тамойилларини ишлаб чиқдик.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 50-юбилей сессияси Ўзбекистоннинг дунёдаги ўрни ва янги имкониятларини яна бир бор намоён этди. Биз бу сессияда жаҳон сиёсатида бурилиш бўладиган таклифларимизни ўртага ташладик. Бу таклифлар сизларга матбуот орқали таниш.

Куни кеча якунланган Германия Федератив Республикасига сафаримиз эса Ўзбекистоннинг кенг имкониятлар мамлакати эканлиги, дунёнинг ҳар қандай давлати билан тенгма-тенг ҳамкорлик қилишга қодирлигини кўрсатди.

Бунга яна қатор мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, яқинда Жаҳон банки раҳбари Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятлари, ривожланиш тамойиллари ва халқимизнинг турмуш тарзи билан танишди ва тажрибамизни ижобий баҳолади.

Шу кунларда дунёнинг обрўли сармоядорлари, энг ривожланган мамлакатларнинг таниқли ишбилармонлари ва иқтисод билан боғлиқ бўлган қатор халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари Ўзбекистон билан қизиқишмоқда. Бу мамлакатимизнинг халқаро нуфузи тобора ошиб бораётганидан, **унинг ҳақиқатдан ҳам келажаги буюк эканлигидан далолат беради.**

Дарҳақиқат, бугунги Ўзбекистон жаҳон давлатчилиги анъаналари, халқаро сиёсат ва дунё ижтимоий-сиёсий жараёнларини инсонпарварлик ғоялари билан бойитиш борасида ўзига хос йўлдан бормоқда.

Мамлакатлараро, минтақалараро, қитъалараро муносабатларни юксак сиёсий маданият, шарқона ахлоқ-одоб ва олий даражадаги тафаккур мезонларига таянган музокаралар йўли билан ҳал этиш каби принципиал таклифлар билан чиқмоқда. Дунё муаммоларини ечиш ва ер юзида тинчлик ҳамда хавфсизликни таъминлашда энг замонавий усулларни қўллаш — ҳар қандай чигал масалаларни юзма-юз мулоқот ва фикр алмашиш йўли билан ҳал этиш каби ғоят инсонпарвар тамойилларнинг амал қилишини таклиф этмоқда. Бу эса Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрнини, нуфузини, қолаверса, халқаро сиёсатда умуминсоний қадриятларга таянганлигини кўрсатади.

Энди келажакка қатъий ишонч билан қараб мавжуд имкониятлардан кўпроқ фойдаланиш, ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш кераклигини ҳаёт тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичи бошланди. Бу ўз навбатида макроиқтисодиётни барқарорлаштириш, инфляция суръатларини пасайтириш, миллий валютани мустаҳкамлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш сингари кенг миқёсли муаммоларни ҳал қилишни талаб этади.

Биз бугун айни шу нуқтаи назардан Самарқанд вилоятида амалга оширилаётган ишларга баҳо бермоқчимиз. Негаки, Самарқанд ишлаб чиқариш имкониятлари, ақлий ва меҳнат ресурслари жиҳатидан мамлакатимизда Тошкентдан кейинги иккинчи ўринни эгаллайди. Бу вилоят халқ хўжалигининг тараққиёти бевосита бутун мамлакат равнақига кучли таъсир этиши билан муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, Самарқанд вилоятида сўнгги йиллар мобайнида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, халқ хўжалигининг барча соҳаларини ривожлантириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилган. Чунончи, халқ хўжалиги тармоқларида иқтисодиётнинг кўп қиррали шакллари пайдо бўлмоқда, кўпчилик саноат корхоналари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, хўжаликлар давлат тасарруфидан чиқарилган. Вилоятда замонавий савдо ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари учун бинолар қурилиши, ободонлаштириш ишлари сезиларли даражада амалга ошириляпти.

Вилоят ҳаётида эришилган ютуқлар ва меҳнат натижалари, албатта, мавжуд. Буни ҳеч ким инкор қилолмайди.

Лекин бугунги учрашувимизнинг мақсади йўл қўйилган камчиликларнинг асосий сабаблари ва илдизлари ҳақида, мутасадди раҳбар ва ходимларнинг масъулияти ҳақида бўлиши керак. Нимага деганда, кейинги йиллар давомида Самарқанд вилояти ҳаётида анча ташвишли ҳолатлар ва воқеалар содир бўлмоқда. Бунга эътибор бермаслик, лоқайдлик билан қараш мумкин эмас.

Бугунги Самарқанд вилоятида, шаҳар ва туманларида мавжуд бўлган вазиятни, иқтисод, унинг тармоқларининг ривожланишини холисона таҳлил қилганда, кўпгина жиддий нуқсон ва камчиликларга йўл қўйилганини кўриш мумкин.

Кўп соҳаларда, кадрлар, раҳбарлар фаолиятида талабчанлик кескин пасайиши, хўжакўрсинчилик ҳолатлари кўзга ташланади.

Бугунги энг долзарб масала — ислоҳотларнинг бориши, уларнинг ҳаётга татбиқ қилиниши қониқарли эмас.

Вилоятда бозор муносабатларини шакллантириш борасида 74 фоиз корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилган. Қишлоқ хўжалигида 1,9 минг деҳқон хўжаликлари ташкил этилиб, кичик ва хусусий корхоналар сони 3 мингга етди. Лекин шунга қарамасдан, ислоҳотларни амалга ошириш ишларида сусткашлик, бепарволик, ҳар хил поғоналарда тўсқинлик ҳоллари юз бераётгани яққол сезилиб турибди.

Ташкил этилган 323 ҳиссадорлик жамиятидан фақат 37 ҳиссадорлик жамияти ўз акцияларини сотган, бу эса бор-йўғи акциядорларнинг 11,5 фоизини ташкил этади. Бу республика миқёсида энг паст кўрсаткичдир. Республика фонд биржасида акцияларни сотиш масалалари умуман вилоят раҳбарларининг назаридан четда қолиб, бу кўрсаткич жорий йилнинг ўтган 10 ойида 9 фоизни ташкил қилади, холос.

Ургут, Пастдарғом, Нарпай, Оқдарё, Булунғур, Жомбой, Каттақўрғон туманларида акцияларни биржаларда сотиш ташкил этилмаган ва бу борада раҳбарларнинг саъй-ҳаракати сезилмаяпти. Бугунги кунда 42 ҳиссадорлик жамияти очиқ турга айлантирилмаган.

«Ким ошди» савдосига қўйилган кўчмас мулк, ер участкалари сотилиши масаласига Каттақўрғон шаҳри (Б. Зокиров), Нарпай (С. Бобомуродов), Пастдарғом (Ш. Эсонов), Пахтачи (Ч. Норбўтаев), Қўшработ (М. Қўшбоев) туманлари ҳокимликлари ўта совуққонлик билан қарашмоқда.

Чорва фермаларини хусусийлаштиришда, деҳқон хўжаликларини ташкил этишда маҳаллий ҳокимиятлар ўз таъсирини кўрсатмасдан четда қолишган. Янги мулкдорлар ҳуқуқий жиҳатдан ҳеч қандай ҳужжатга эга эмаслар. Ташкил қилинган кўп ташкилотлар назоратсизлик оқибатида ўз фаолияти жараёнида дастурий йўналишини ўзгартириб, оддий тижорат-фирма дўконларига айланиб қоляпти.

Чет эл инвестицияларини жалб этиш, қўшма корхоналар тузиш ишлари ҳам қониқарсиз аҳволда. Ташкил этилган 92 қўшма корхонанинг ярмидан кўпи мутлақо фаолият кўрсатмаяпти.

Иқтисод ривожида йўл қўйилган оқсоқлик, аввалambор, ишлаб чиқариш, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги тараққиётида кўзга ташланмоқда.

Вилоятда 1994 йилнинг шу давридагига қараганда ишлаб чиқаришнинг пасайиши давом этмоқда: саноат маҳсулоти **81,5 фоиз**, халқ истеъмоли моллари **77,5 фоизни** ташкил қилди. Вилоятнинг **152** корхонасидан **101** таси ишлаб чиқариш суръатини пасайтириб юборган, улардан **30** корхона 1994 йилнинг 9 ойидагига қараганда икки баравар кам маҳсулот ишлаб чиқарди.



Гўшт ишлаб чиқариш **27 фоизга**, сут маҳсулотлари **— 52**, қандолатчилик **— 69**, ип газламалар — **70,** шойи — **36**, трикотаж буюмлари — **45** фоизга камайиб кетди. Ишлаб чиқарилган **723 млн. сўмлик маҳсулот** сотилмасдан турибди.

Сўнгги йиллар мобайнида капитал қурилиш соҳасида сезиларли даражада ижобий ўзгариш йўқ. **Мактабларнинг ишга туширилиши ўтган йилга нисбатан 50 фоизга камайиб кетган. 1995 йил мобайнида вилоят бўйича ўзлаштирилган капитал маблағларнинг атиги — 1-2 фоизи соғлиқни сақлаш ва халқ таълими соҳасидаги қурилиш ишларига сарфланган.**

Капитал маблағларни ўзлаштириш Булунғур, Қўшработ, Жомбой, Пойариқ туманларида икки баробар камайиб кетган. Вилоятда якка тартибда уй-жой қурилиши учун қарз сўраб мурожаат қилган **9 минг фуқародан 1 минг 700 кишига 19,1 млн. сўмлик маблағ берилган, холос.**

Ҳурматли биродарлар!

Маълумки, аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш ижтимоий соҳа муаммоларини ҳал этишнинг муҳим бўғинидир. Кейинги икки йил ичида мамлакатимизда бу соҳада кенг миқёсли ишлар амалга оширилди. Ҳатто айрим мутахассисларнинг фикрича, ана шу икки йил ичида бажарилган ишлар кўлами яқин ўтмишимиздаги 15-20 йиллик иш ҳажмидан ортиқроқдир. Бу гапларда жон бор. Ташкилот ва муассасаларга эркинлик берилди. Маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарлигида улар ўз маблағлари ҳисобига водопровод ва табиий газ шохобчаларини кенгайтирмоқдалар. Ташаббускорлик, уддабурронлик ўз самарасини бермоқда.

Бироқ Самарқандда бу борада амалга оширилаётган ишлар ачинарли аҳволда.

**Вилоятнинг 30 фоизга яқин аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланмаган.** Умуман олганда, вилоят аҳолисининг 73 фоизи табиий газдан фойдаланмоқда, лекин **қишлоқ ҳудудларида газлаштириш фақат 63 фоизни ташкил этади**.Шунга қарамасдан вилоят раҳбарияти жорий йилда газ ва сув таъминоти ишларини суст олиб бормоқда.

**Ҳозирги кунда вилоятдаги 2060 қишлоқнинг 43 фоизи табиий газ ва марказлашган ичимлик суви билан таъминланмаган. Қўшработ, Гўзалкент, Иштихон ва Оқдарё туманларида табиий газ таъминоти вилоятдагига нисбатан 4-5 марта камдир.**

Вилоятдаги **экологик аҳвол** йил сайин ёмонлашиб бормоқда, очиқ сув ҳавзаларига чиқиндилар ташланмоқда, ахлатни қайта ишлаш заводи кўп йиллардан бери ишга туширилган эмас. Вилоят мутасадди раҳбарлари бу масалага жиддий эътибор бераётганлари йўқ.

Молия, банк тизимини такомиллаштириш борасида, республика миқёсида кенг кўламли амалий ишлар олиб борилмоқда. Лекин вилоятнинг молия масалаларини таҳлил қилганда йўл қўйилаётган тартибсизликлар йилдан-йилга авж олиб бораётгани яққол кўзга ташланади.

Шу йилнинг 9 ойида назорат-тафтиш бош бошқармаси томонидан корхона, ташкилот ва муассасаларнинг молия-хўжалик **фаолиятлари бўйича 586 марта тафтиш ва текширишлар ўтказилди.**

**Аниқланган зарар 1994 йилнинг шу даврига нисбатан 15 баравар ёки 10,1 млн. сўмга ортган**, шундан **262** та ташкилотларда **3,6 млн. сўмлик** камомад ва ўғирлик содир этилган. Бу эса ўтган йилнинг 9 ойига нисбатан 8,6 мартага кўп.

Масалан, Каттақўрғондаги Улуғбек номли «Ёғ-мой» ҳиссадорлик жамиятида маҳсулот сотишда тегишли назорат ўрнатилмаганлиги сабабли моддий жавобгар шахс Н. Тожиев 17,8 тонна ёки 464 минг сўмлик ёғ камомадига йўл қўйган.

Жорий йилнинг 9 ойида вилоят бўйича муомалага қўшимча **1,2 млрд. сўм** жалб этилган. Вилоятда **эмиссия миқдори 5,6 фоиз қилиб белгиланган ҳолда Нуробод, Гўзалкент, Иштихон, Челак ва Пойариқ туманларида бу кўрсаткич 60-90 фоизни ташкил қилади.** Умуман вилоятда эса эмиссия миқдори 29 фоизни ташкил қилади, бу республиканинг ўртача кўрсаткичидан 7,9 фоиз юқори даражада қайд этилган.

Касса тартибини бузиш, маблағларни ноаниқ йўналишда ишлатиш вилоятда оддий ҳолга айланган. Шу турдаги ноқонуний операциялар натижасида шаҳар ва туманларда 25 млн. сўмлик маблағ ноўрин сарфланишига йўл қўйилган.

**Ташкилот ва корхоналарнинг умумий дебитор қарзлари 4,1 млрд. сўм, кредитор қарзлари 3,9 млрд. сўм бўлиб**, унинг пасайиш даражаси сезилмаяпти. Ўз ишини ижобий томонга ўзгартирмаган 15 корхона ва ташкилот касодга учраши кутилмоқда. Шунингдек, «Ўзбексавдо» уюшмасига қарашли 5 та ташкилот тамомила касодга учради.

Банк тизимидан унумли фойдаланиш, олинган қарзларни вақтида қайтариш, ташкилотларнинг бир-бири билан ҳисоб-китоб қилиши, корхоналарнинг молиявий аҳволидан хабардор бўлиш каби долзарб масалаларга вилоят ҳокимияти томонидан эътибор берилмаган.

Хусусий ва тижорат тузилмалари вилоят марказий банкининг инкассация аппарати билан шартномалар тузмаганликлари учун савдодан тушадиган нақд пулларни банк кассаларига тўлиқ топширмаяптилар. Натижада, аҳолига иш ҳақи ва нафақаларни ўз вақтида беришда кўп муаммолар туғилмоқда. **Шу йилнинг 1 октябригача бўлган маълумотга кўра тўланмаган иш ҳақи ва нафақаларнинг миқдори 281 миллион сўмни ташкил этади.**

Мулк эгалари давлат солиқлари ҳақидаги қонунни бемалол бузиб, ўғрилик, талон-тарожликка йўл қўймоқдалар. Вилоятда бугунги кунда 14 солиқ туридан 5 тури бўйича режа бажарилмаган.

**1994 йилда 5319 та ташкилот ва юридик шахслар текширилган, шундан 1694 тасида солиқ қонунлари бузилган бўлса, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида вилоят бўйича 4300 текширишдан 734 тасида солиқ қонунлари қўпол равишда бузилгани аниқланди.** Бу корхоналардан бюджетга 43,5 млн. сўм қўшимча кирим қилинди. 191 та тафтиш ҳужжатлари маъмурий органларга тергов учун жўнатилди.

Албатта, назоратни кучайтириш, молиявий муносабатларда қонун устуворлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Бироқ бу масаланинг бир томонигина, холос. Агар банк тизимидан унумли фойдаланиш зарур бўлса, олдин қонунбузарликка йўл қўймаслик йўлларини излашимиз, қонунга ҳурмат билан қараш ва унга қатъий амал қилиш каби маънавий-ахлоқий жиҳатларга кўпроқ эътибор бериш керак, деб ўйлайман.

**Агар ҳар бир киши ўз жойида, ўз хизмати доирасида қонунга амал қилиб яшашни ҳаёт тарзига, меҳнатга муносабатнинг ахлоқ нормаларига айлантира олсагина ортиқча назоратга ҳожат қолмайди.**

Сиз, азиз дўстлар, шу залда ўтирганларнинг ҳар бири қайсидир муҳим участканинг раҳбарисиз. Бу гаплар энг аввало сизларга, ундан кейин эса сизлар орқали барча хизматчиларга тегишли.

Энди маиший хизмат соҳасидаги айрим муаммолар ҳақида икки оғиз сўз. Айниқса, қишлоқ аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш талаб даражасида ташкил этилмаган. Пойабзал тикиш ва таъмирлаш, маданий-маиший асбоб-ускуналарни, кир ювиш, мебелларни таъмирлаш, кимёвий тозалаш, ижарага бериш бўйича маиший хизмат турлари кескин камайди. Вилоят «Маишийхизмат» уюшмаси республика тармоқ корхоналари орасида охирги ўринлардан бирида турибди.

Кимёвий тозалаш хизмати Булунғур, Гўзалкент, Пойариқ, Каттақўрғон, Қўшработ туманларида умуман ташкил қилинмаган. Кир ювиш, бичиш-тикиш, прокат хизмати мавжуд туманларнинг ярмида умуман фаолият кўрсатаётгани йўқ. Қишлоқларда аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг умумий аҳволи таҳлил қилинганда, Жомбой туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалигининг 5 та қишлоғида ҳаммом, музлатгич, телевизор, радио таъмирлаш устахоналари йўқлиги аниқланди.

Челак, Пойариқ, Оқдарё туманларининг аксарият қишлоқларида ҳатто сартарошхоналар ҳам йўқ. Бу ана шу туманларда турмуш маданиятининг нақадар ночорлигидан ва ҳатто аянчли эканлигидан далолат бермайдими?

Сартарошхона қурилиши ё қайсидир пойабзал таъмирлайдиган, бичиш-тикиш шохобчаларини қуриш ишига мамлакат Президенти аралашиши керакми?

Булар учун жавобгар шахслар ана шу залда ўтиришибди. Туман ҳокимлари учун шу аччиқ дашномларни эшитиш ёқимлими?

1995 йилнинг 9 ойи давомида аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш жон бошига 300 сўмни ташкил этди. Бу республика ўртача кўрсаткичидан 32 фоиз камдир.

Вилоятда аҳоли сони ҳар йили 40-50 минг кишига кўпаяётган бир даврда аҳолини ижтимоий фойдали иш билан таъминлашга етарли эътибор берилмаяпти. Иш сўраб мурожаат қилувчилар кўпаймоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида 12,3 минг нафар ёрдам сўраганларнинг 50 фоизидан ортиғининг талаби қондирилмади.

**Вилоятнинг қишлоқ жойларида аҳолини иш билан банд қилиш масаласи асосий муаммо бўлганлигига қарамасдан, 2060 қишлоқнинг 1248 тасида, яъни 61 фоизида кичик корхоналар ҳанузгача ташкил қилинмаган.**

Узоқ-узоқ қишлоқларда яшовчи деҳқон бузилиб қолган телевизорини ёки музлатгичини от-аравага юклаб туман марказидан уста топа олмай шаҳарга қатнаши керакми?

Агар шаҳарда — вилоят марказида ҳам маиший хизмат ана шундай аҳволда бўлса-чи? Унда қаёққа борсин?

Пул эмиссияси хусусида кўп гапирамиз. Пулли хизмат соҳасини кенгайтириш — эмиссиянинг олдини олишнинг муҳим йўлларидан бири. Бунинг учун ҳар бир қишлоқда, ҳар бир аҳоли яшайдиган манзилда радио-телевизор тузатадиган, электр асбобларини таъмирлайдиган устахоналар қуриш керак. Одамлар бир кўча нарига ўтмасданоқ бутун эҳтиёжини қондирадиган, беминнат хизматдан фойдаланадиган бўлсин.

**Нега бизнинг қишлоқларимизда суратхоналар йўқ? Кир ювиш ва тозалаш муассасаларини ташкил этиш қийинми?**

Ҳамма гап хўжалик ва ташкилот раҳбарларида, уларнинг ташаббускорлиги ва янгича ишлашга иштиёқмандлигида.

**Раҳбар ташкилотчи бўлса, сезгир ва эпчил бўлса, имконият излайди. Бу мисоллар жойларда боқимандаликка, ўзибўларчиликка кўникиб кетган, эскича иш қолипидан чиқолмаётган раҳбарлар ишлаётганидан далолат беради.**

Ахир минг кишилик жамоадан ўнта йигит-қизни маиший хизматнинг турли соҳалари бўйича мутахассисликка тайёрлаш шунчалик қийинми?

Тегишли асбоб-ускуналарни келтириб, қулайроқ жойда ўрнатиш катта ақл ёки меҳнат талаб қиладиган иш эмас-ку? Аҳолиға хизмат кўрсатиш йўли билан ҳам уларнинг оғирини енгил қилиш, ҳаётига янги мазмун бериш, кайфияти ва руҳиятини кўтариш мумкин. Айни пайтда у жамият умумий маданий қиёфасини ҳам белгилайди.

Яна бир масалага — алоқа хизматига диққатингизни тортмоқчиман. Жуда кўп туманларда бу масалага умуман эътибор берилмайди. Телефонлари унча-мунча мавжуд бўлган жойларда ҳам одамларнинг узоғини яқин қилиш ўрнига кўпроқ асабини ишдан чиқаришдан бошқа нарсага ярамайди. Умуман олганда, ҳар бир хонадон телефон хизматидан баҳраманд бўлмоғи керак. Бу ҳам пулли хизматнинг бир тури.

Халқимиз меҳнаткаш, меҳнатга ижодий ёндошадиган, тадбиркор ва бунёдкор халқ. Унга имконият керак, холос.

Бу — масаланинг биринчи томони. **Иккинчи томони — ҳуқуқий кафолат.** Айни пайтда мамлакатимизда ана шу иккинчи жиҳатнинг асоси яратилган. Меҳнат қиламан, ишлайман, интиламан, бунёд этаман деган кишига ҳар томонлама ҳуқуқий кафолат берилган.

Бироқ кўп жойларда аҳоли турли расмиятчилик ва тўрачилик иллатларига дуч келмоқда. Таъмагирлар, назари паст кимсалар **«Сендан угина, мендан бугина» қабилида иш тутиб, одамларнинг ташаббусларини бўғишмоқда.**

Демак, юқорида айтганимиздек, масаланинг биринчи томони — маънавий-ташкилий жиҳатлари маҳаллий ҳокимият органлари доирасида оқсаб қолмоқда.

Лекин бошқа соҳаларга нисбатан, вилоятда энг ачинарли аҳвол — барчамизни боқадиган, халқимизнинг ризқ-рўзини берадиган қишлоқ хўжалиги тармоқларида. **Вилоятда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва давлатга сотиш топшириқлари сўнгги уч йил ичида сурункасига бажарилмади.**

Шу давр мобайнида пахта етиштириш ва сотиш **110 минг тоннага камайди.** Вилоятда пахта тайёрлаш режаси бу йил ҳам уддаланмади. Пахта етиштирувчи 11 тумандан атиги 4 таси йиллик режани бажарди.

Пахтачиликдаги бундай орқага кетишларнинг асосий сабаблари **қишлоқ хўжалиги вилоят раҳбарлари учун бамисоли бир ўгай соҳага айланиб қолгани**, хўжалик, туман ва вилоят раҳбарларида ташкилотчилик, тадбиркорлик савиясининг пастлиги билан изоҳланади.

Вилоят, туман ҳокимлари, қишлоқ хўжалик ташкилотларининг раҳбарлари республикада ғалла мустақиллигига эришиш йўлида олиб борилаётган давлат сиёсатини тўғри англаб етмай, бу ишга ўта масъулиятсиз муносабатда бўлмоқдалар.

1993—1994 йиллардаги режанинг барбод бўлишига қарамай, бу йил ҳам мўлжалланган мақсадга эришиш учун **90 минг тонна дон кам етиштирилди. Гектар бошига белгиланган 19,4 центнер ўрнига 15,9 центнер ҳосил олинди.**

Суғориладиган ердан олинган ҳосил Челак, Булунғур, Гўзалкент туманларида 24—27 центнердан, лалми ерлардан Каттақўрғон ва Пахтачида 4,4, Қўшработ ва Пойариқда 4,9, Нурободда 5,6 центнердан ошмади. Бундай ҳолни қандай изоҳлаш мумкин?

Шу билан бирга вилоят ҳокимининг шахсан назоратсизлиги туфайли дон маҳсулотлари ҳиссадорлик уюшмаси (директори Р. Аҳмедов) томонидан хўжаликлар билан давлат режасидан ошиқча қабул қилинадиган дон учун эркин нархда сотиб олиш бўйича шартнома атиги 3,3 минг тоннага тузилган. **Топшириққа нисбатан давлатга ғалла сотиш 80 фоизга бажарилди.**

Ғалла йиғим-терими даврида маъмурий орган ходимлари томонидан 101 та қонунбузарлик ҳолатлари аниқланиб, шундан 25 таси бўйича жиноий иш қўзғатилган.

Иштихон тумани «Меҳнат — роҳат» жамоа хўжалигидаги деҳқон хўжалиги бошлиғи С. Отахонов 16,3 тонна донни ўғирлаётганда қўлга тушди. Ҳозирги пайтда тергов ишлари олиб борилмоқда.

**Бу вилоят раҳбарларининг ва ғалла йиғим-теримига жавобгар бўлган шахсларнинг масъулиятсизлиги, лоқайд ва келишувчилиги оқибати эмасми?**

Шаҳар аҳолисини нон маҳсулотлари билан таъминлаш учун ким масъул? **Нима учун биз енгил-елпи йўллар қидирамиз? Қачон ҳақиқатга тик қарашга ўрганамиз?**

Ўтган йили 1992 йилга нисбатан 126 минг тонна сабзавот, 32 минг тонна полиз маҳсулотлари, 2,7 минг тонна картошка кам тайёрланди.

Вилоятда чорвачилик соҳаси салмоқли ўринни эгаллаб турганлигига қарамасдан бу муҳим тармоқ ҳамон оқсаб қолмоқда. Бунинг асосий сабаблари, **биринчидан,** хусусийлаштирилган чорвачилик фермаларида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишни бозор муносабатлари даражасида олиб борилмаётганлиги бўлса, **иккинчидан**, чорва молларининг талаб даражасида озиқлантирилмаётганлиги, наслчилик ишларининг тўғри ташкил қилинмаганлиги, зоотехник ва ветеринария хизматларининг мутлақо талабга жавоб бермаётганлиги оқибатида моллар бош сони ва уларнинг маҳсулдорлиги камайиб кетган. Халқ истеъмоли учун асосий маҳсулот гўшт ва сут ишлаб чиқариш ҳажмлари аввалги йилларда эришилган кўрсаткичлардан ҳам пасайиб кетган.

Вилоят агросаноат мажмуига ( А. Қаландаров) қарашли хўжаликларнинг асосий қисми оғир иқтисодий аҳволда бўлиб, ҳозирги кунда дебитор қарзлари 1,9 миллиард сўмни, кредитор қарзлари 1,6 миллиард сўмни ва банкдан ссуда қарзлари эса 520 миллион сўмни ташкил этади.

Белгиланган режалар бажарилмаганда бундай инқирозга тушиш

**(Давоми 2-бетда).**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори*

## ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

«Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Умумтаълим мактаби тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ;

Гимназия тўғрисидаги Низом, 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, ўзларига қарашли умумтаълим мактабларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар:

таълим тўғрисидаги идоравий норматив ҳужжатларни уч ой муддатда мазкур қарорга мувофиқ ҳолга келтирсинлар;

1995/96 ўқув йилида тасдиқланган низомларни амалга ошириш юзасидан зарур ташкилий тадбирларни амалга оширсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Таълим ва фан бўлимига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири**
**А. МУТАЛОВ.**

## 8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

# МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

Биз улуғ воқеа арафасида турибмиз. Яна бир неча кундан кейин серқуёш диёримизда мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси қабул қилинган кун — 8 декабрь умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади.

Ўзбекистоннинг илк Конституцияси қабул қилиниши, шак-шубҳасиз унинг тарихида алоҳида ўрин тутади. Зеро, бу Конституция биз қураётган янги демократик жамият, халқимиз турмушининг, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларининг ифодаси, миллий қадриятларимиз ва маданиятимиз қайта тикланишининг, инсоннинг маънавий-ахлоқий баркамоллигини таъминлашдек улуғ бир эзгу мақсаднинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Республикамиз меҳнат аҳли Президентимиз, ҳукуматимиз бошчилигида ўз тараққиёт йўлини аниқ белгилаб олиб, бош қомусимиз асосида тўғри йўлдан дадил бормоқда.

Ҳозир бутун мамлакатимизда Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган куннинг уч йиллиги байрамига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Жойларда ушбу қутлуғ санага бағишланган илмий-назарий конференциялар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясида Конституциянинг уч йиллигига бағишланиб «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — тинчлик, барқарорлик асоси» мавзуида илмий-назарий давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, олий ўқув юртларининг раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, мутахассислар, мазкур академия тингловчилари қатнашди.

Давра суҳбатини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, академия ректори, профессор А. Азизхўжаев кириш сўзи билан очди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг аҳамияти, унинг хусусиятлари, Конституция — инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси, Конституцияда давлат ҳокимияти масалалари муҳокама қилинди. Академиянинг кафедра мудири, юридик фанлари доктори О. Ҳусанов, юридик фанлари доктори Х. Одилқориев, Республика Олий Мажлиси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Б. Эшонов, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси М. Абдусаломов, Олий суд раиси У. Мингбоев ва бошқалар Ўзбекистон Конституциясининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим ўрни ҳақида гапирдилар. У жаҳон майдонида янги суверен Ўзбекистон давлати дунёга келганидан хабар бергани, бу Конституцияда давлатимиз мустақиллиги ғояси мужассам бўлиб, у Ўзбекистон давлати мустақиллигининг буюк тимсоли, халқимиз сиёсий донолиги ва тафаккури маҳсули эканини таъкидладилар.

**Т. БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИДА

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Ҳайъат йиғилишини Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев очиб, шу йилнинг 21 ноябрь куни халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашининг сессиясида Президентимиз Ислом Каримов сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар хусусида гапирди. Жумладан, — деди Ж. Ғ. Йўлдошев ўз сўзида, — Президентимиз тамонидан таълимда ислоҳотларнинг суст амалга оширилаётганлиги, кадрлар тайёрлаш ишида қишлоқ ва шаҳарларнинг туб ижтимоий эҳтиёжлари ҳисобга олинмаётганлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 296-сонли «Бозор ислоҳотлари талабларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ ёшлари касб-ҳунар таълимининг йўналишини ўзгартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори етарли бажарилмаётганлиги ҳақли равишда танқид қилинди.

Йиғилишда Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси томонидан йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар, афсуски, барча вилоятлар, Тошкент шаҳар таълим бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятида ҳам учраши таъкидланди. Шуларга асосан ҳайъат мажлиси алоҳида қарор қабул қилиб, Ўзбекистондаги барча халқ таълими муассасаларига махсус вазифалар юклатилди.

Кун тартибига қўйилган масала: «Тошкент шаҳар мактабгача тарбия муассасаларида таълим-тарбия мазмунини янгилашда олиб борилаётган ислоҳатлар ҳақида» Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири муовини, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг бошлиғи Ҳ. Қ. Йўлдошев маърузаси тингланди. Нотиқ ўз маърузасида Тошкент шаҳридаги мактабгача тарбия муассасаларининг иш фаолияти, таълим-тарбия жараёнининг йўлга қўйилиши, шаҳар миқёсида янги типдаги болалар боғчаларининг йўналишлари ва ютуқлари, «Соғлом авлод учун» дастурининг амалга оширилиши, таълим-тарбия жараёнини назорат қилиш, илғор педагогик тажрибаларни оммалаштириш, кадрлар билан ишлаш, ихтисосга йўналтирилган махсус мактабгача тарбия муассасаларининг сонини кенгайтириш

**(Давоми 4-бетда).**

# ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

**(Боши 1-бетда).**

табиийдир. Бундай ҳолатлар ҳақида, уларнинг сабаб-илдизлари ҳақида кўп гапирамиз. Мулк эгасини топмагунча, ерга ҳақиқий эгалик ҳуқуқи қўлга киритилмагунча кўзланган мақсадга етиб бўлмаслиги ҳақида кўп гапирамиз.

Нима, Самарқандда ўрганишга арзигулик, эргашса бўладиган тажрибалар йўқми? Мисол учун Самарқанд туманида амалга оширилаётган ишлар, халқ хўжалигини ислоҳ қилиш борасида тўпланган тажрибалар ўрганилса бўлмайдими?

Туман ҳокими (Р. Ҳакимова) ўз атрофида эпчил ва ҳозиржавоб кадрларни тўплагани, ташкилот ва хўжалик раҳбарлигига ҳар томонлама етук, ислоҳотлар моҳиятини тушунадиган одамларни танлаб қўйгани учун ҳам бу ерда ўрнак бўларли ишлар амалга ошириляпти.

Вилоят деҳқонларининг ўзига хос деҳқончилик анъаналари, асрлар давомида шаклланган тажрибалари ва ўз иқлим шароитидан келиб чиққан деҳқончилик мактаби мавжуд. Қани бу тажрибалар? Бу улуғ ва муқаддас мактаб сабоқлари қаерда қолди? Нега биз уларни унутишимиз керак? Биздаги масъуллик, фидойилик, эртаги кун олдидаги жавобгарлик ҳислари қаерда қолди?

Ҳурматли вилоят ноиблари ва фаоллари!

Республика ҳукумати ва давлатимиз соғлом авлодни тарбиялаш, вояга етказиш сиёсатини ҳозирги куннинг энг долзарб масаласи қилиб қўяётган бир пайтда, аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш борасида вилоятда олиб борилаётган ишлар талабга жавоб бермайди.

Сурункасига бир неча йил давомида ўткир ичак касаллиги, вирусли гепатит, тиф ва паратиф каби юқумли касалликлар мамлакат кўрсаткичларидан ҳам 2-3 марта ортиқдир.

Вилоятдаги 20 ёшгача бўлган оналарнинг туғиш давридаги ўлими республикада энг юқори даражада туради. Оналар ва болалар ўлимининг олдини олиш учун бор имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаган, натижада оналар ўлими республика кўрсаткичидан ҳам 15 фоиз юқори туради.

Чақалоқлар ўлимининг 70 фоизидан зиёди ўз вақтида тиббий хизмат кўрсатилмаганлиги натижасида содир бўлган. Сил ва рак касалликлари даволаш ҳеч қандай натижа бермайдиган ҳолга келиб қолгандагина аниқланмоқда.

Тиббиёт муассасаларининг моддий-техника аҳволи ташвишли ҳолда. Тиббий ускуналарга бўлган эҳтиёж қондирилмаган, эҳтиёт қисмларнинг етишмаслиги сабабли қатор ускуналардан фойдаланилмаяпти. Вилоятда мавжуд **1091** қишлоқ врачлик амбулаторияси ва фельдшерлик-доялик пунктларининг 34 фоизи ичимлик суви билан таъминланмаган, уларнинг атиги 7 фоизи махсус замонавий биноларга жойлаштирилган, 78 фоизида телефон алоқаси йўқ. Бу эса беморларни даволашда салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу билан биргаликда аҳоли соғлиғини сақлаш, соғлом авлодни тарбиялаш ва вояга етказиш борасидаги давлатимиз юритаётган сиёсатни амалга оширишга вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари (Ж. Эшқобилов) жиддий эътиборни қаратмаяптилар. Нима деганда раҳбарларнинг аксарияти ана шу туманлар марказларида яшайдида. Шунинг учун, эҳтимолки, олис қишлоқлардаги аҳоли соғлиғи учун ҳам жон куйдирмайди, уларнинг ташвишига бефарқ қарайди.

Мактаб, халқ таълими ислоҳоти бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам қониқарли эмас. Кўплаб аниқ фанлар бўйича ўқитувчилар етишмайди. Мактаблар таъмирлашга муҳтож, моддий — техника базаси жиддий эътиборни талаб қилади.

Ҳозирда вилоят бўйича 51 та мактаб авария ҳолатида, 30 фоиз мактаблар мослаштирилмаган биноларга жойлашган. **Вилоят бўйича 9 ойда халқ таълими учун ажратилган бюджет маблағларидан 136 миллион сўм сарфланмай қолди.**

Вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбарларининг бепарволиги, ўз ишига масъулият билан қарамаганлиги, ҳамон эскича иш услубидан чиқа олмаётганлиги, халқ таълими тизимини бошқаришдаги янгиликларни сингдира олмаётганлиги ва амалиётга тадбиқ эта олмаётганлиги сабабли бу соҳада жиддий ўзгаришлар бўлмаган. Шу аҳволда мазкур соҳада бундан кейин ҳам бирон ижобий ўзгариш бўлишига ишониш қийин.

Бозор иқтисодиёти қийинчиликлари рўкач қилиниб, вилоятда кейинги йилларда 100 дан ортиқ болалар боғчалари ёпилган. Шу туфайли болаларни мактабгача тарбия муассасаларига тортиш 30 фоиздан 22 фоизга тушган.

Ҳукуматимиз фан, маърифат ва маданият соҳасига жиддий эътибор билан қарамоқда. Ўтиш даврининг энг қийин ва мураккаб пайтида ҳам давлат маорифни такомиллаштириш, билимли ва ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш учун ҳеч нарсани аямаяпти.

**Ахир, ўйлаб кўрайлик, биродарлар, биз бугун не-не машаққатлар билан қураётган давлатимиз, мустақил ва ҳар жиҳатдан мустаҳкам мамлакатимиз эртага кимнинг қўлида қолади?**

**Бугунги катта ислоҳотлар эвазига қўлга киритаётган ютуқларимизни эртага фарзандларимиз давом эттиришга қодир бўладими-йўқми?**

Нега биз қарийб бир ярим асрлик мустамлакачиликдан озод бўлганимизда шундай улуғ ва мўътабар Ватанимизни асрай оладиган, уни ҳимоя қила биладиган ва шу олижаноб анъаналарни давом эттиришга қодир бўлган авлодни тарбиялашга шароит яратмас эканмиз?

Ватан ҳисси, ватан туйғуси барча нарсадан қадрлироқдир. Биз фарзандларимиз онгига ва қалбига ана шу туйғуни сингдиришимиз лозим. Бизнинг барчамиз, ана шу залда ўтирган ҳар биримиз ота эканлигимизни, она эканлигимизни унутмаслигимиз керак. Ҳар бир ота-она учун фарзанд камоли, оиласининг шон-шуҳрати муқаддас орзу-ҳавас ҳисобланади. Шундай экан, биз келгуси авлод баркамоллиги учун, ўғил-қизларимизнинг улуғ аждодларимизга хос оқил ва юксак маданиятли кишилар бўлишлари учун доимо эътибор бермоғимиз керак.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос қийинчиликларини рўкач қилиш — ношуд ва ноқобил раҳбарнинг иши. Халқ таълими соҳасида амалга оширилаётган ишларнинг қониқарсизлигини баҳонапараст раҳбарлар ҳеч нарса билан оқлолмайдилар.

Қадрли дўстлар!

Мустақил мамлакатимизнинг халқимиз миллий маданиятини ривожлантириш борасида юритаётган сиёсатини амалга ошириш, маънавият ва маърифат, миллий истиқлол мафкурасини халқ онгига сингдириш, инсонни давр талаби асосида тарбиялаш борасида вилоятда етарли чора-тадбирлар кўрилмаяпти.

**Вилоятда маънавий, ахлоқий қадриятларга эътиборсизлик, умуман маданиятнинг иккинчи даражали соҳага айланиб қолаётганлиги сезилмоқда.**

Гарчи Самарқанд илмий-маърифий салоҳияти бўйича ҳамда олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтларининг сони жиҳатидан ҳам етакчи ўринлардан бирида турса-да, **ёшларга таълим-тарбия бериш, миллий мафкурани тарғибот-ташвиқот қилиш ишлари қониқарсиз аҳволда.** Мавжуд маданият уйлари, кутубхоналар, кинотеатрлар, истироҳат боғлари жуда ачинарли аҳволга тушиб қолган.

Ҳозирги кунда вилоятда мавжуд 2060 қишлоқнинг 80 фоизида маданият ўчоқлари умуман йўқ. Гарчи вилоят газетаси саҳифаларида маънавият ва маърифат, миллий истиқлол мафкурасини тарғиб қилишда бир мунча тадбирлар амалга оширилаётган бўлса-да, ислоҳотларимизга тўсқинлик қилувчиларни, Президент фармонларини бажаришда сусткашлик қилувчиларни фош этувчи материаллар деярли учрамайди.

Газетхонларнинг ариза ва шикоятлари ҳақидаги акс садо йўқ даражада. Вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётини теран таҳлил қилган мақолаларга етарлича ўрин ажратилмаяпти.

Самарқанд радиоси ва телевидениесида бу борада мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Мамлакатимизда ва вилоятда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва уни янада чуқурлаштириш ҳақида, вилоят ҳаётида рўй бераётган ижтимоий воқеалар тўғрисида етарли ахборотлар берилмаяпти. Вилоят телевидениесида берилаётган кўпгина кўрсатув ва эшиттиришлар **мазмунан ҳамда сиёсий жиҳатдан саёз**, шошма-шошарлик билан эскича услубда тайёрланмоқда. Одамларни қизиқтирадиган, уларнинг диққатини жалб қиладиган танқидий ва муаммоли кўрсатувлар йўқ ҳисоби. Аксинча, телевидение кўпроқ чет эл видеофильмларини намойиш қилиш билан чегараланиб қолмоқда.

Вилоятда физкультура ва спорт ишлари вилоят ҳокимлиги ва бу соҳага мутасадди раҳбарларнинг масъулиятсизлиги ва лоқайдлиги туфайли ўз ҳолига ташлаб қўйилган. 1995 йилга келиб физкультура жамоалари сони 70 тага камайиб кетган. Спорт заллари, сузиш бассейнлари, спорт майдончалари сони республика кўрсаткичларидан ўртача 2 марта камдир.

Жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича олиб борилаётган тадбирлар ҳар доим ҳам ўз самарасини бермаётганлиги оқибатида вилоят бўйича ашаддий безорилик, гиёҳвандлик, ўғирлик, порахўрлик, таъмагирлик, номусга тажовуз қилиш каби жиноятлар сони ошиб бормоқда.

Республика бўйича оғир жиноятчилик турлари 6 фоизга камайгани ҳолда Самарқанд вилоятида 8 фоизга кўпайган. Айниқса, ўқотар қуроллардан фойдаланиш каби жиноятлар 130 фоизга ошганлиги ҳам оперАтив вазиятнинг мураккаблашганини кўрсатади.

Вилоятда ташкил қилинган рэкет ва террорчиликка, коррупцияга қарши курашиш бўлими умуман қониқарсиз аҳволда ишламоқда. Ваҳоланки, бундай жиноятларга бошқарув тизимида ҳамда ички ишлар органларида ишлаётган амалдорлар ва бошлиқлар қўл урмоқдалар.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, вилоят ички ишлар ходимларининг бевосита иштирокида 1994 йилда 34 та жиноят содир этилган, шу жумладан 22 та ҳолат айблов хулосалари билан тугалланиб, судларнинг қоралов ҳукмлари чиққан.

1995 йилнинг 9 ойи давомида милиция ходимларига нисбатан 17 та ҳолат бўйича жиноий ишлар қўзғатилган.

Булар босқинчилик, номусга тажовуз қилиш, фирибгарлик, мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, тан жароҳати етказиш, порахўрлик, наркотик моддаларни экиш, ташиш ва сотиш каби жиноятлардир.

Масалан, Самарқанд шаҳрида милиция ходими бўлиб ишлаётган Аҳмад Файков ва Шуҳрат Насриддинов фуқаро А. Яҳъёевнинг уйига босқинчилик йўли билан кириб, 2,5 миллион Россия рублини олиб кетганлар. Соқчилик бўлими милиционери Аҳлиддин Умматов 3,9 га. жойга кўкнори экиб, парвариш қилганлиги фош этилди ва у 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Самарқанд тумани ички ишлар бўлими раҳбарларидан бири, милиция майори Т. Ахтамов 40 килограммдан ортиқ кўкнори шираси олиб кетаётганда қўлга тушган. **Ана энди ўзингиз айтинг: қонун ҳимоячиларининг ўзи жиноятга қўл урса, арзингни айтиб кимга борасан?**

Ички ишлар хизматида юз бераётган бу қўпол равишдаги қонунбузарликлардан генерал Тўхтаевнинг хабари борми?

Суд ва прокуратура (А. Тўхташев, С. Назаров) органларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари аҳолида катта норозилик туғдирмоқда. Ўтган 10 ой ичида Президент девонига вилоят меҳнаткашларидан 561 шикоят келиб тушгани бунинг ёрқин мисолидир. Айрим судьялар судланувчилар ва уларнинг қариндош-уруғлари қандай молиявий-иқтисодий имкониятга эга эканликларига эътибор бериб, ҳукмни шунга қараб белгилайдилар.

Агар барча қонун бузилишларга Прокуратура органлари мутасадди эканини ҳисобга олсак, унинг қонунларнинг аниқ бажарилиши устидан назорат қилиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилишдаги фаолияти ўта суст ташкил этилганидан дарак беради.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида вилоят хўжаликлари томонидан фонддаги 77,6 тонна нефть маҳсулотлари четга чиқарилиши қайд этилди. Масалан, Самарқанд ва Тойлоқ автомобиль йўллар бошқармалари 9 минг литр керосин ва дизель ёқилғисини четга чиқариб юборишган. Бу фактлар вилоят ҳуқуқ-тартибот органларининг самарасиз ишлаётганлигидан далолат беради.

Ислоҳотнинг тақдири, унинг қай даражада амалга оширилиши биринчи навбатда кадрларнинг малакасига, уларнинг ўз ишларини қай даражада ўзлаштириб олганлигига, юртпарварлиги ва фидойилигига боғлиқ. Аммо вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов кейинги олти йил давомида вилоятнинг биринчи раҳбари сифатида кадрларни танлаш ва тарбиялаш, уларни жой-жойига қўйиш, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида билимли ёшлардан иборат кадрлар захираси тизимини яратмаган. Кадрлар билан ишлаш борасида тегишли тадбирлар ишлаб чиқилмаган.

Кадрларни шошма-шошарлик билан, ишбилармонлик, касбий ва ахлоқий сифатлари чуқур ўрганилмаган ҳолда масъул вазифаларга тавсия этиш натижасида бир йил ичида Булунғур тумани ҳокими, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, вилоят нефть маҳсулотлари корхонаси бошлиқлари икки мартадан алмаштирилган, вилоят «Тадбиркорбанк» бошқаруви эса тўрт ой ичида икки марта янги раис билан алмаштирилган.

Оқибатда, вилоятда эски тузум иш методларидан воз кечолмайдиган ёши ўтиб қолган раҳбарлар сони кўпчиликни ташкил қилади. Улар ҳамон иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган, оддийгина қонун-қоидаларни, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини билмайди, оқибатда ўз фаолиятларини давр талабларига мос равишда йўналтира олмаяптилар.

Ёш кадрларни тарбиялаш, уларни ўстириш, йўлни кенг очиб бериш масалаларида ҳамон ўзгариш йўқ.

Юқорида баён этилган камчилик ва нуқсонлар вилоят ҳокимининг ташкилотчиликни, ижро интизомини, раҳбар ва мутахассислардан топширилган ишнинг бажарилиши устидан талабчанликни бўшаштириб юборганлиги, баъзи ноқобил, эскича ишлашдан воз кеча олмайдиган раҳбарларга нисбатан муроса қилиб келаётганлиги оқибатидир.

Вилоятда илгари ўз хизмат вазифасини уддалай олмаган, эл-юрт назаридан тушиб қолган кишиларни лавозим билан «сийлаш» ҳолларига йўл қўйилмоқда. Натижада билимдон, иқтидорли, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган ёшлар эътибордан четда қоляпти.

Аҳолининг ариза ва шикоятлари билан ишлаш борасида ҳам талайгина жиддий камчиликлар мавжуд. Халқнинг кундалик эҳтиёжига, уларнинг ижтимоий аҳволини яхшилашга жиддий эътибор берилмаганлиги сабабли шу йилнинг 10 ойи давомида Президент девонига 2 мингта хат ва ариза келган, шахсий қабулда 560 киши бўлган. Фуқароларнинг хат ва аризаларида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, маъмурий-ҳуқуқий, қонунчилик ишлари, маданий ва маиший соҳалардаги камчиликлар баён этилган. Қабулда бўлганлар ҳам айнан шу фикрларни билдиришган.

Бу аҳоли кўпчилик қисмида норозилик кайфиятининг пайдо бўлишига, уларнинг нафсониятига тегишига сабаб бўлмоқда.

Юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликлар бевосита вилоятда кадрлар сиёсатидаги жиддий нуқсонлардан келиб чиққан. Шуни алоҳида таъкидлаб айтиш мумкинки, агар вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари бутун жавобгарликни зиммаларига олиб ишлаганларида эди, вилоятдаги вазият бу даражада ночор аҳволга тушмаган бўлур эди.

Кадрлар тизимини янги, билимли ва истеъдодли ёшлар ҳисобига тўлдириш, лавозимларни тадбиркор ва янгиликни тез илғайдиган ёшларга топшириш ҳамма вақт янгиланишларнинг асосий мезони ҳисобланади. Ишончим комилки, Самарқандда бундай ёшлар етарли, уларга йўл бериш, ишониш ва суяниш лозим.

Азиз дўстлар!

Самарқандликлар улуғ ва бунёдкор, эзгуликка интилиб яшайдиган халқдир. Мен сизларни бугунги танқидий мулоҳазалардан тегишли хулоса чиқариб, вилоят халқ хўжалигининг кенг имкониятларидан унумли фойдаланишингизга ишонаман. Бунинг учун сизларда қатъият, билим ва тажриба, ташаббус ва шижоат етарли деб ўйлайман.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларга ва вилоятнинг барча аҳолисига сиҳат-саломатлик, эзгу ишларингизда муваффақият, тинчлик ва омонлик тилайман.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

*Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 21 ноябрдаги 440-сон қарорига 1-илова*

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон умумтаълим мактаби ўз фаолиятида «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, шу қонунга мувофиқ қабул қилинадиган бошқа қонунчилик ҳужжатларига ва мазкур Низомга амал қилади.

2. Умумий таълим мактаби узлуксиз таълим тизимининг асосий бўғини ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг барча фуқароларига давлат умумтаълими андозалари доирасида текин умумий таълим олишнинг кафолатланган ҳуқуқи ва имкониятини беради.

3. Умумтаълим мактаби фаолияти демократия ва инсонпарварлик, умуминсоний қадриятлар устиворлиги, халқнинг илмий ва маданий анъаналари, маънавият ва маърифат, турли ижтимоий ва сиёсий партиялар ҳаракатларига қўшилмаслик, иқтидор ва илмни рағбатлантириш, ўқувчи ва педагог шахсини ҳурмат қилиш тамойиллари асосига қурилади.

4. Умумтаълим мактабининг асосий мақсади — ўқувчиларни ҳар томонлама ривожланган, маданиятли шахс сифатида шакллантириш, шунингдек, жамиятда ўзларининг мустақил ўрнини топиш, онгли равишда таълим ва касблар бўйича дастурларни танлаш, уларни ўзлаштириш учун асос яратиш, жамият, оила ва давлат олдида ўз масъулиятларини ҳис қила оладиган шахсларни тарбиялашдан иборатдир.

5. Умумтаълим мактаби таълим-тарбия ишларини ҳар бир шахс, жамият ва давлат манфаатларини кўзлаган ҳолда амалга оширади, ўқувчиларнинг ҳар томонлама камол топиши учун қулай шарт-шароитлар, шу жумладан, уларнинг ўз устида мустақил ишлашлари ҳамда қўшимча билим олишлари учун имкониятлар яратилишини таъминлайди.

6. Мактаб таълим олувчиларнинг илмий билимлар, ишбилармонлик асосларини, меҳнат ва бошланғич касб кўникмаларини эгаллашларини, шунингдек, уларнинг ўзига хос қобилиятлари ва ахлоқий сифатларини ривожлантиришни таъминлайди.

7. Мактаб — фуқароларнинг миллий-маданий эҳтиёжларини қондиришда кўмаклашишга, миллий қадриятларнинг тикланишига, барча миллат вакилларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни тарбиялашга, ёшларда фуқаролик туйғусини шакллантиришга, уларни мустақил ҳаётга тайёрлашга даъват этилган.

8. Давлат мактаб фаолияти ва уни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий асосини кафолатлайди, унинг моддий-техник, молиявий ва бошқа эҳтиёжларининг қондирилишини таъминлайди, илмий-техника ва ижтимоий тараққиёт билан боғлиқ равишда ўзгарувчан таълим андозаларини, барча турдаги умумтаълим мактабларида таълим даражалари ва ўқув соатлари ҳажмига қўйиладиган асосий талабларни белгилайди.

9. Умумтаълим мактаби мустақил юридик шахс ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, тўртбурчакли штампга ва белгиланган намунадаги пешлавҳага эга бўлади.

10. Мактаб ҳокимият ва бошқарув органлари, ота-оналар ва педагогика жамоатчилиги олдида шахснинг таълимга бўлган конституцион ҳуқуқининг амалга оширилиши, таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг танланган шакллари ўқувчилар ёшининг руҳий-физиологик хусусиятларига, соғлиқни сақлаш талабларига мувофиқ келиши, ўқувчилар томонидан ўқув материалларининг қўйилган талаблар асосида сифатли ўзлаштирилиши учун масъулдир.

11. Мактаб таълим бериш тилини тегишли органлар билан келишган ҳолда, ўз имкониятларидан келиб чиқиб ўқувчилар ва ота-оналар (ёки уларни ўрнини босувчи шахслар)нинг истакларини ҳисобга олиб белгилайди.

Мактабда таълим берилаётган ўз она тилларидан ташқари ўқувчилар давлат (ўзбек, Қорақалпоғистонда — қорақалпоқ) тилини ва хорижий тилларни ўрганишга мажбурдирлар.

12. Умумий таълимнинг ҳамма учун тенглигини таъминлаш, ўқувчиларнинг қизиқишлари ва қобилиятларини ривожлантириш учун энг қулай шарт-шароитлар яратиш, ўқувчилар орасидан энг иқтидорлиларини қўллаб-қувватлаш мақсадида умумий таълим мактабларининг ҳар хил турлари (мактаб комплекс, лицей, гимназия, иқтидорли болалар учун мактаб, катта ёшлилар таълим маркази ва бошқалар) ташкил қилиниши мумкин. Улар ўз фаолиятларида мазкур Низомга ва ўз низомлари ҳамда уставларига амал қиладилар.

Мактаб турини танлаш унинг Кенгаши (педкенгаш) томонидан маҳаллий ҳокимият ва таълимни бошқариш органлари билан келишган ҳолда амалга оширилади.

13. Мактабларни ташкил қилиш, қайта ташкил этиш (турини ўзгартириш), шунингдек, унинг фаолиятини тугатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 августдаги 406-сон қарори билан тасдиқланган Давлат таълим муассасаларини ташкил қилиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан амалга оширилади.

14. Ушбу Низом асосида ҳар бир мактаб жамоанинг хусусиятлари ва тараққиёт истиқболларини, мактаб жамоа аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчларини, мактабнинг фаолият қоидаларини белгилаб берувчи ўз Уставини ишлаб чиқади.

15. Мактаб Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 августдаги 406-сон қарори билан тасдиқланган Таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Низомга мувофиқ аккредитация қилинганлигини тасдиқлаш мақсадида вақти-вақти билан аттестациядан ўтказилади.

16. Фуқароларнинг хатлари, шикоятлари ва мурожаатларини кўриб чиқиш, шунингдек, фуқароларни қабул қилишни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги белгилаган тартибда олиб борилади.

## II. ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА УНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

1. Умумий таълим мактаби ўқитиш жараёнини ўқувчиларни ривожлантириш умумтаълим дастурларининг уч босқичи даражасига мувофиқ амалга оширади:

I босқич — бошланғич таълим (4 йил);

II босқич — таянч таълим (5 йил);

III босқич — ўрта таълим (2-3 йил).

2. Турли босқичдаги мактаблар, шунингдек, кечки мактаблар маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда алоҳида ёки ягона комплексда ташкил қилиниши ва жойлаштирилиши мумкин.

Кечки мактабларни ташкил қилиш учун ўқувчилар сони етарли бўлмаган тақдирда ёшлар учун умумий таълим мактаби негизида кундузги синфлар ва сиртқи гуруҳлар очилиши мумкин.

3. Зарурат бўлганда ва керакли шарт-шароитлар яратилган мактаблар қошида ўқувчилар учун тегишли штат билан интернат (ётоқхона)лар, ихтиёрийлик асосида бутланадиган куни узайтирилган ёки бир кунлик гуруҳлар ташкил қилинади.

4. Бошланғич таълим (1 босқич) ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш, ўқув фаолиятининг асосий билим ва кўникмалари, назарий фикрлаш элементлари, нутқ ва хулқ маданияти асосларини эгаллашни ҳамда шахсий гигиена ва соғлом турмуш тарзини таъминлашга даъват этилган.

Бошланғич таълим таянч таълим олиш учун асос ҳисобланади.

5. Биринчи синфга 6-7 ёшга тўлган, таълим олиш учун руҳан ва жисмонан тайёр бўлган, 5-6 ёшлигида тиббий-педагогик комиссия ва мактаб руҳшунослик хизмати кўригидан ўтган болалар қабул қилинади. Болаларни қабул қилиш, одатда, ўқув йили бошлангунга қадар амалга оширилади ва мактаб бўйича буйруқ билан расмийлаштирилади.

6. Таянч таълим (II босқич) ўқувчи шахсининг шаклланиши, унинг ижтимоий ўзлигини англашга бўлган истаги, қизиқиши ва қобилиятини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади. Таянч таълими ўқувчиларни ўрта таълимнинг хилма-хил турларини танлашга тайёрлайди ва мустақил ҳаётга тўла маънода қўшилиш учун зарур бўлган умумий таълим пойдеворини яратади.

Таянч 9-синф ҳажмидаги таълим мажбурийдир ва у ўқувчиларга ўрта таълим муассасаларида, III босқичдаги ўрта таълимларда, турли хил ҳунар ҳамда ўрта махсус ўқув юртларида таълим олишни давом эттириш, худди шу каби меҳнат фаолиятини бошлаш ҳамда уни истаги бўлган тақдирда кечки (сменали) ўрта умумтаълим мактабларида, катталарга таълим бериш марказларида ўқишни давом эттириш имконияти билан уйғунлаштириш ҳуқуқини беради.

7. Ўрта таълим (III босқич) ўқувчиларга табақалаштирилган ва уйғунлаштирилган фанлар асосида умумий ўрта таълим бериш жараёнини якунлайди. Асосий фанлардан ташқари, ўқувчиларнинг хоҳиш-истаклари ва қизиқишларини ҳисобга олиб, уларнинг қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган қўшимча фанларни ўқитишни ташкил қилади.

III босқич мактабларига ўқувчилар танлов асосида қабул қилинади. (Мактаб (педкенгаши) кенгаши қарорига кўра кириш имтиҳонлари, тест синовлари ёки суҳбат ўтказилади).

Тегишли имкониятлар бўлган тақдирда мактаб (педкенгаши) кенгаши ўқувчиларнинг талаб ва истакларини ҳисобга олган ҳолда мактабда бир ёки бир нечта касбга йўналтирувчи таълимни жорий этиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин (умумий, ижтимоий, физика-математика, кимё-биология, техника, қишлоқ хўжалиги, бадиий йўналишдаги ва бошқалар).

Бу ҳолатда меҳнат тайёргарлиги таълим ихтисоси, миллий ва маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ташкил қилинади. Мактаб (педкенгаш) кенгаши қарорига кўра у ҳамма ўқувчилар учун шарт бўлмаган касб таълими шаклида бўлиши мумкин.

8. Янги типдаги ўқув муассасалари (гимназия, лицей, иқтидорли болалар мактаблари ва бошқалар)га ўқувчилар уларнинг уставлари талабларига мувофиқ қабул қилинади.

9. Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар умумий таълим мактабларига умумий асосларда шартномалар ва битимлар билан белгиланган тартибда қабул қилинадилар.

Ҳукуматлараро тузилган маданий, илмий ҳамкорлик битимлари ва режалари асосида умумий таълим мактабларига қабул қилинган хорижий фуқаролар, агар битим билан бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, республика қонунларида ва мазкур низомда белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва мажбуриятлар оладилар.

10. Мактабдаги таълим-тарбия ишлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўқув-тарбия жараёни Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланган тегишли давлат таълими андозалари даражасига мувофиқ ўқувчиларга таълим берадиган педагогик жиҳатдан асосланган ўқув режалари, дастурлари, воситалари ва услублари ўқитувчи (тарбиячи) томонидан танлаб олинган асосга қурилади.

11. Умумий ўрта таълимнинг очиқлиги ва кўп вариантлиги, миллий ва минтақавий анъаналар ҳамда ўзига хослигига йўналтирилганлиги таълим мазмунини қуйидаги тизимда шакллантириш орқали таъминланади:

давлат таянч компоненти (Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади);

мактаб компоненти (халқ таълимини бошқариш маҳаллий органлари билан келишган ҳолда Мактаб (подкенгаш) кенгаши томонидан белгиланади).

12. Давлат мажбурий талаблари доирасида ўқув дастурини ўзлаштира олмаган ўқувчиларга ёрдам кўрсатиш учун Мактаб (педкенгаш) кенгаши томонидан I ва II босқич синфларида қўшимча ўқитиш, педагогик қўллаб-қувватлашнинг турли шакллари (умумий сони 15 ўқувчидан кўп бўлмаган коррекция синфлари, тенглаштирувчи синфлар ва ҳоказо) ташкил этилиши мумкин, ривожланишида жисмоний ва руҳий нуқсонлари бўлган болаларни ўқитиш ва тарбиялаш учун эса Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари томонидан I-II босқичдаги мактабларнинг махсус синфлари ва махсус умумтаълим муассасалари ташкил этилади ва фаолият кўрсатади.

Болалар саломатлигини тиклаш санатория туридаги муассасаларда амалга оширилади.

13. Ўқувчиларга тиббий хизмат кўрсатиш штатли ёки мактабга махсус бириктирилган тиббиёт ходими томонидан бажарилади. У маъмурият билан бир қаторда болаларнинг соғлиги ва жисмоний ривожланиши учун масъулдир. У тор доирадаги мутахассислар ёрдамида болалар саломатлигини йиллик текширувдан ўтказади, даволаш-профилактика тадбирларини амалга оширади, санитария-гигиена нормаларига, мактаб ўқувчилари, овқатланишининг тартиби ва сифатига, жисмоний ва ақлий нагрузкалар ўлчовларига риоя қилади.

Мактабларда таълим жараёнини руҳий таъминлашни руҳшунослар амалга оширадилар.

14. Таълимнинг II ва III босқичларида ўқишлар имтиҳонлар билан якунланади.

Мактабда синфдан-синфга кўчириш ва битириш имтиҳонлари Халқ таълими вазирлигининг тегишли буйруғи билан белгиланади.

15. Ўқувчиларни имтиҳонларга киритиш, синфдан-синфга кўчириш ва мактабни битириш Халқ таълими вазирлигининг Йўриқномаси (Инструкцияси)га мувофиқ амалга оширилади.

16. Ўқувчилар тиббий комиссия хулосасига асосан касаллиги туфайли синфдан-синфга кўчириш ва битириш имтиҳонларидан озод қилиниши мумкин. Имтиҳонлардан озод этишга ҳуқуқ берадиган касалликлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

17. Ўқувчиларнинг II ва III босқич мактабларини битиришлари ва уларга таянч таълим ҳақидаги гувоҳномалар ва ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома берилиши тартиби Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

18. II босқич мактаби ҳажмида таълимни якунлаган ўқувчиларга асосий (таянч) таълим олганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, алоҳида муваффақиятларга эришганларга эса имтиёзли таянч таълими тўғрисида гувоҳнома топширилади.

III босқич мактаби ҳажмида таълим олган битирувчиларга ўрта маълумот тўғрисида шаҳодатнома, алоҳида муваффақиятларга эришганларга эса имтиёзли ўрта маълумот тўғрисида шаҳодатнома топширилади.

19. Катта ёшлилар таълими маркази мактабида ўқиш даврида бирор касб-ҳунарни ўрганиш имкониятига эга бўлган битирувчиларга, улар малака имтиҳонларини топширганларида ёки синовдан ўтганларида мазкур касбга доир ишга киришга асос бўладиган касб-корга доир мутахассислиги кўрсатилган гувоҳнома берилади.

20. Болаларни уй шароитида ўқитиш умумтаълим мактабларининг дастурлари бўйича давлат андозалари доирасида олиб борилади ва кейинчалик экстернат тартибида аттестациядан ўтказилади. Бундай ҳолларда ўқувчилар ота-оналари ёки улар ўрнини босувчи шахслар ўртасида мактаб, таълим бошқарувининг тегишли органлари билан шартнома тузилади. Бунда томонларнинг иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа мажбуриятлари белгиланади.

21. Мактаб ўз ҳудуди (микрорайони)да яшовчи 1-9-синфларда ўқиши лозим бўлган барча болаларни мажбурий таълим олишга тўлиқ жалб этиш тадбирларини амалга оширади.

Таянч мактабида бўш ўринлар бўлган тақдирда у унда ўқишни хоҳлаган барча болаларни қабул қилишга мажбурдир. Агар мактабда ўқувчилар сони жуда кўпайиб кетса, синфларга янги ўқувчиларни қабул қилишда мактабга яқин яшайдиган болалар имтиёзга эга бўладилар.

22. Биринчи, шунингдек, кейинги синфларнинг сони Мактаб (педкенгаш) кенгаши томонидан туман (шаҳар) халқ таълими кенгаши ва ҳокимликлар билан биргаликда келишилган ҳолда белгиланади.

I ва II босқич мактаблари синфларида ва куни узайтирилган гуруҳларда ўқувчилар сони 25 кишидан, III босқич мактабларида эса 30 кишидан зиёд бўлмаслиги керак.

Ҳокимликлар қўшимча маблағ ажратган тақдирда, шунингдек, жалб қилинган бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига ўқувчилар сони кам бўлган синфлар очишга рухсат берилади.

Мазкур ҳудудда ўқувчилар сони етарли бўлмаган тақдирда қишлоқ мактаблари, синфлари сони ва уларнинг ўқувчилар билан тўлдирилиши туман (шаҳар) халқ таълими кенгаши томонидан маҳаллий шароитлар ва аҳоли эҳтиёжига қараб маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари билан келишган ҳолда белгиланади.

23. Малакали ўқитувчилар ва етарли хоналарга эга бўлган барча турдаги умумий таълим мактабларида қуйидаги фанлардан машғулотлар ўтказиш учун синфлар икки гуруҳга бўлиб ўқитилишига рухсат этилади.

5-9-синфлардаги ўқувчилар сони 25 ва ундан зиёд бўлган шаҳар мактабларида, ўқувчилар сони 20 ва ундан зиёд бўлган қишлоқ мактабларида ҳамда 10-11 (12) синфлардаги ўқувчилар сони 20 ва ундан зиёд бўлган шаҳар ва қишлоқ мактабларида меҳнат бўйича машғулотларда, тармоқ таълими дарсларида ҳам (8-9-синфларда 1 соат 10-11 (12)-синфларда 2 соат) фақат меҳнат бўйича амалий машғулотларда бўлиб ўқитиш амалга оширилади; 10-11-синфлардаги ўқувчилар сони 25 ва ундан зиёд бўлган тақдирда жисмоний тарбия дарсларида (ҳар бир гуруҳда камида 8 йигит ва қиз бўлганда); 1-9-синфлардаги ўқувчилар сони 25 ва ундан зиёд бўлган таълим рус тилида олиб борилмайдиган мактабларда рус тили ва адабиёти дарсларида 10-11 (12)-синфлардаги ўқувчилар сони 20 ва ундан зиёд бўлган ҳамда таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган мактабларда ўзбек тили ва адабиёти, чет тили, информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари ҳамда махсус фанлар, ихтисос бўйича айрим фанлар чуқур ўргатиладиган синф ва мактабларда эса ўз низомларига кўра бўлиниш амалга оширилади.

24. Умумий таълим мактабларида ўқув йили 2 сентябрдан бошланади. Ўқув йили тўрт чоракка (семестрга) бўлинади, унинг бошланиши ва охири ўқув режаси билан белгиланади. Ўқув йили амалий машғулотларни ҳисобга олмаганда 33 ҳафта, 1-синфларда эса 30 ҳафта давом этади.

Ўқув йили мобайнидаги таътиллар камида 30 календар кун қилиб белгиланади: кузги таътил — 4 ноябрдан 11 ноябргача (8 кун), қишки таътил — 31 декабрдан 10 январгача (11 кун), баҳорги таътил — 22 мартдан 31 мартгача (10 кун). Ёзги таътил-ўқув йили (имтиҳонлар) тугаган кундан бошлаб 31 августгача (камида 8 ҳафта) давом этади.

1-синф ўқувчилари учун мактаб (педкенгаш) кенгаши томонидан февраль ойи ўрталарида қўшимча бир ҳафталик таътил белгиланади.

Ўқув йили давомидаги иш ва машғулотлар қуйидаги байрам кунлари ўтказилмайди: 1 январь — Янги йил, 8 март — Хотин-қизлар куни, 21 март — Наврўз байрами, 9 май — Ғалаба куни, 1 сентябрь — Мустақиллик куни, Рўза ҳайит (ийд-ал-фитр) диний байрамнинг биринчи куни, Қурбон ҳайит (ийд-ал-адҳа) диний байрамнинг биринчи куни, 8 декабрь — Конституция куни.

25. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарори билан назарда тутилган ҳоллардан ташқари ҳолатларда ўқувчиларни ўқув вақти ҳисобига қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишларга, ўқув жараёни билан боғлиқ бўлмаган турли тадбирларга жалб қилиш тақиқланади. Ўқувчиларни дарслардан чалғитган халқ таълими муассасалари ва бошқаруви органлари раҳбарлари тегишли маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

26. Кундалик ўқув машғулотлари сони ва тартиби мактаб директори томонидан тасдиқланган дарс жадвали билан белгиланади. Дарслар I босқич мактабида 35-40 дақиқагача, II ва III босқич мактабларида 40-45 дақиқагача, ўқув ҳафтаси 5-6 кун давом этади. I ва II навбат (смена)лардаги машғулотларнинг бошланишини ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар), ўқувчилар билан келишилган, санитария-гигиена талаблари ҳисобга олинган ҳолда мактаб (педкенгаш) кенгаши белгилайди. Дарслар орасидаги танаффусларнинг давом этиши ўқувчиларнинг фаол дам олишлари ва иссиқ овқат билан таъминланишларини ташкил қилишни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

27. Уй вазифалари бериш мажбурий эмас. Улар ўқувчиларга педагогик талаблар ва ҳар бир боланинг шахсий руҳий-жисмоний хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда берилиши мумкин.

28. 1-синф ўқувчиларига баҳо ўқув йилининг биринчи ярми учун қўйилади, сўнгра эса чораклар бўйича қўйилади. Баҳолар қуйидаги балларда қўйилади: 5(аъло), 4(яхши), 3(қониқарли), 2(қониқарсиз). Баллардаги оралиқ якуний баҳолар 2-11 (12) синфлар Мактаб (педкенгаш) кенгаши қарори билан чорак ёки ярим йиллик учун (агар фанни ўрганиш учун ўқув режасида ҳафтасига 1 соат вақт ажратилган бўлса) қўйилади. Йил охирида якуний баҳолар қўйилади.

29. Мактабдаги барча дарсдан ташқари тарбия ишлари кўнгиллилик, фаолият турини танлашда мустақиллик, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик тамойиллари асосида ота-оналарнинг истаги, ўқувчиларнинг қизиқиши, интили-

**(Давоми 3-бетда).**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 21 ноябрдаги 440-сон қарорига 1-илова

(Боши 2-бетда).

ши ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади.

Болалар ва ўсмирларни тарбиялаш вазифалари педагогик ва ўқувчилар жамоалари, болалар жамоат ташкилотлари, ота-оналар (улар ўрнини босувчи шахслар) ва жамоатчиликнинг биргаликдаги ижодий фаолиятида амалга оширилади. Бунинг учун мактабда ўқувчиларнинг қизиқишларига кўра бир хил ёшли ва турли ёшли бирлашмалари, ўқитувчилар ва ўқувчилар ширкатлари тузилиши мумкин.

### III. ЎҚУВЧИЛАР

1. Умумий таълим мактабларининг ўқувчилари қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

а) давлат андозаларига мувофиқ бепул умумий (бошланғич, таянч, ўрта) таълим олиш;

б) ўқув шаклини танлаш ўқувчилар умумий таълим дастурларини ёки унинг айрим бўлимларини умумий ўрта таълим мактабларида ҳам, оилавий таълим олиш, мустақил ўқиш ва экстернат шаклида ҳам ўзлаштиришлари мумкин;

в) таълимнинг якка тартибдаги ўқув режаси бўйича давлат андозалари доирасида тезлаштирилган курсларида таълим олиш. Якка тартибдаги ўқув режалари асосида ўқитиш шартлари мактаб устави билан тартибга солинади.

г) қўшимча (шу жумладан, пулли) таълим олиш хизматидан фойдаланиш;

д) мактаб Уставида белгиланган шаклда умумий таълим мактабини бошқаришда иштирок этиш;

е) инсон қадр-қимматини ҳурматлашни талаб қилиш, виждон ва ахборот эркинлиги, ўз қарашлари ва эътиқодларини эркин ифодалаш.

2. Ўқувчини кейинги синфга кўчириш ижобий якуний баҳо олган тақдирда амалга оширилади. Фавқулодда ҳолларда Мактаб (педкенгаш) кенгаши қарори билан 1-9-синф ўқувчилари қониқарсиз баҳолар билан синфдан-синфга кўчирилишлари мумкин.

3. Бир-икки фан (она тили ва математикадан ташқари) бўйича дастурни ўзлаштирмаган 1-синф ўқувчилари методика кенгашининг тавсиясига кўра ва Мактаб (педкенгаш) кенгаши қарорига кўра 2-синфга кўчирилишлари мумкин.

Ўқувчини 1-синфда қолдириш ҳақидаги қарор методика кенгаш (бирлашма) тавсиясига кўра Мактаб (педкенгаш) кенгаши томонидангина қабул қилиниши мумкин.

Ўқув дастурини ўзлаштира олмаган I босқич (1-4-синфлар) ўқувчилари методика кенгаши (бирлашма) кенгаши тавсияси ва мактаб педагогика кенгаши қарорига кўра зарурат бўлганда якка тартибдаги ўқув режасидан фойдаланган ҳолда қайта ўқиш учун қолдирилишлари мумкин.

Икки марта бир синфда қайта ўқиш учун қолдирилган ўқувчиларга нисбатан Мактаб педагогика кенгаши руҳий-тиббий педагогика комиссияси хулосасига асосан уларни ёрдамчи ўқув-тарбия муассасаларига синфлар ва мактабларни тўлдириш учун ўқишга юборишга тавсиянома беради.

4. Ўқув дастурини мажбурий талаблар даражасида ўзлаштира олмаган II босқич ўқувчилари Мактаб педагогика кенгаши қарорига кўра ўрнини босувчи таълим синфларига ўтказиладилар. Улар тегишли билим даражаларига эришганларидан сўнг оддий синфларга ўтказилишлари мумкин. Бундан ташқари, уларнинг ўқиши якка тартибдаги режалар бўйича ҳам ташкил этилиши мумкин.

5. III босқич мактабини битирган ва айрим фанлардан имтиҳон топшира олмаган ўқувчиларга уларни битирув имтиҳонларидан сўнг 2 ой ичида қайта топшириш ҳуқуқи берилади.

Қониқарсиз баҳо олганда ўқувчиларга экстернат тартибда имтиҳон топшириш ҳуқуқи билан мактабда ўқиганлиги ҳақида маълумотнома берилади.

6. Ўқувчи, унинг ота-онаси (улар ўрнини босадиган шахслар) йиллик баҳодан норози бўлса, унга Мактаб педагогика кенгаши томонидан тузиладиган тегишли фан комиссиясига (ота-оналар ёки улар ўрнини босувчи шахслар иштирокида, агар улар шуни хоҳласалар) имтиҳон топшириш имкони берилади. Қайта имтиҳон топширишга барча кўчириш синфларида (битирув синфлари бундан мустасно) фақат жорий ўқув йилида ўқитилган фанлар бўйича рухсат берилади.

7. Ўқувчилар умумтаълим муассасаси уставини бажаришга, виждонан ўқишга, мактаб мулкига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишга, бошқа ўқиётганлар ва ходимларнинг обрўсини ва қадр-қимматини ҳурматлашга, муассаса ходимларининг устав ва ички тартиб-қоидалар билан уларнинг ваколатларига ўтказилган талабларини бажаришга мажбурдилар.

Умумтаълим муассасасидаги интизом у ерда ўқиётганлар, тарбияланувчилар, педагогларнинг инсоний қадр-қимматларини ҳурматлаш асосида қўллаб-қувватланади. Ўқувчиларга нисбатан жисмоний, руҳий зўравонлик қилиш усулларини қўллашга йўл қўйилмайди.

8. Ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасидаги жанжалли вазиятларни ҳал қилиш учун Мактаб кенгаши аъзоларидан иборат таркибда жанжал комиссияси тузилади. Бу комиссия ўқувчи ва унинг ота-оналари (улар ўрнини босувчи шахслар) томонидан ёзма, оғзаки ҳолда тушган аризаларни кўриб чиқади.

9. Жамоат тартиб-қоидаларини бузган, мактаб жиҳозлари ва мулкини ишдан чиқарган ўқувчига мактаб уставида кўрсатилган мактабдан ҳайдашгача бўлган таъсир чоралари қўлланилиши мумкин.

Умумтаълим мактабларини бошқариш органлари қарорига кўра қонунга хилоф равишда хатти-ҳаракат қилганлиги, Уставни қўпол равишда ва бир неча марта бузганлиги учун педагогик таъсир қилишнинг охирги чораси сифатида ўн тўрт ёшга етган ўқувчиларни умумтаълим мактабларидан ҳайдашга йўл қўйилади. Етим болаларни ва ота-оналари назоратидан четда қолган болаларни мактабдан ҳайдаш ҳақидаги қарор васийлик органларининг розилиги билан қабул қилинади.

Ўқувчини мактабдан ҳайдаш ҳақидаги қарор Мактаб кенгаши (педкенгаш) томонидан туман (шаҳар) халқ таълими бўлими билан келишган ҳолда қабул қилинади.

Ўқувчининг ҳайдалганлиги ҳақида умумтаълим муассасаси уч кун муддатда маҳаллий бошқарув органларини хабардор қилади. Улар билан бир ой ичида уни бундан кейин қаерга жойлаштириш масаласини ҳал қилади.

### IV. ПЕДАГОГИК ХОДИМЛАР

1. Педагогик ишларга қабул қилиш тегишли махсус маълумотга эга бўлган шахслар билан контракт тузиш асосида мактаб директори томонидан амалга оширилади.

2. Контракт тузиш, уни бекор қилиш ва унинг амалда бўлиш муддати, ишга қабул қилинган шахснинг ҳуқуқи ва мажбуриятлари, меҳнат ҳақи тўлаш ва меҳнатни ташкил этиш шартлари, ижтимоий-маиший ва бошқа шартлар педагог ходимлар билан меҳнат шартномаси тузишнинг контракт шакли тўғрисидаги Низомга мувофиқ белгиланади.

3. Педагог ходимларнинг ҳуқуқлари, вазифалари, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш «Таълим тўғрисида»ги Қонун билан тартибга солинади.

### V. УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИНИ БОШҚАРИШ

1. Мактабни давлат жамоатчилик томонидан бошқариш демократия, ошкоралик, ўз-ўзини бошқариш асосида амалга оширилади. Ўқувчилар ва мактаб ходимларини бирлаштирувчи мактаб жамоаси ўз вазифасини ота-оналар (улар ўрнини босувчи шахслар), маҳалла қўмиталари, кенг жамоатчилик билан мустаҳкам ҳамкорликда олиб боради. Мактабни бошқариш жамоанинг ўзини-ўзи бошқариш ва яккабошчилик асосида Мактаб (педкенгаш) кенгаши томонидан тасдиқланган, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларида рўйхатдан ўтказилган ўз Уставига мувофиқ амалга оширилади.

2. Мактабнинг ўқув-тарбия жараёнига ва кундалик фаолиятига бевосита раҳбарликни директор олиб боради. У тажрибали ва қобилиятли мутахассислар ичидан жамоа фикрини ҳисобга олган ҳолда мактаб ўз қарамоғида бўлган халқ таълимининг юқори турувчи органи томонидан тайинланади.

*Мактаб директорининг вазифалари*

Мактаб директори қуйидаги вазифаларни бажаради:

— давлат ва жамоат ташкилотларида мактаб манфаатларини ифодалайди;

— ўқув-тарбия жараёнини режалаштиради ва ташкил қилади, унинг бориши ва натижаларини, мактаб дастурларининг бажарилишини назорат қилади, мактаб ишларининг сифати ва самаралилигига, болаликни ва меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя қилинишига, ўқувчилар овқатланишига жавоб беради, мактабдан ташқари ва синфдан ташқари ишларни ташкил қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратади;

— ўринбосарларни танлаб, жой-жойига қўяди, уларнинг вазифаларини белгилайди, мактаб педагогик кадрларни жой-жойига қўяди, кабинет ва устахона мудирларини, ота-оналар (улар ўрнини босувчи шахслар) ва ўқувчилар фикрини ҳисобга олган ҳолда синф раҳбарларини тайинлайди, маъмурият ва педагогик, ўқув-тарбиявий ва хизмат кўрсатувчи ходимларни ишга қабул қилади ва бўшатади (шартнома асосида);

— Мактаб кенгаши билан биргаликда мактаб таркибий қисмини ва тегишли халқ таълими органлари билан келишган ҳолда унинг мазмунини белгилайди, ўқитиш ва меҳнатга тайёрлаш ихтисосини танлайди, мактабнинг иш тартибини педагогнинг тарификация қилинган ишининг умумий миқдорини ўзгартирмай ўқув ҳафталари ва ўқув машғулотларининг давомийлигини, 1-синфга болалар қабул қилиш (6-7 ёш)ни, ўқувчилар формасининг зарурияти ва турини белгилайди;

— навбатдаги малака тоифаларини тасдиқлайдиган мактаб педагогика ходимларининг аттестация комиссиясига раҳбарлик қилади;

— мактаб педагогика ходимларининг ижодий ўсишлари, таълим-тарбиянинг илғор шакл ва усулларини қўллашлари учун шарт-шароитлар яратади. Педагогларнинг ташаббуслари, ижодий изланишлари ва тажриба-экспериментал ишларини қўллаб-қувватлайди, ўқувчилар ва педагогларнинг ижодий фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида мактабнинг илмий-текшириш, ишлаб чиқариш, кооператив ташкилотлар, маҳалла қўмиталари, ижодий уюшмалар бўлимлари ва бошқа давлат ҳамда жамоатчилик ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш йўлларини белгилайди;

— мактабга ажратилган молиявий маблағларга эгалик қилади, истиқболдаги масалаларни ҳал этиш ва мактабни ривожлантириш учун бюджет маблағларини, шунингдек, мактаб фонди маблағларини оқилона тақсимлашни таъминлайди;

— иш юритишнинг ва мактаб ҳужжатларининг тўғри юритилишини ҳамда ҳисоботнинг ўз вақтида бўлишини таъминлайди;

— мактаб кенгаши, маҳаллий ҳокимлик олдида ўз фаолияти учун жавоб беради ва уларга вақти-вақтида ҳисоб бериб туради.

*Мактаб директорининг ҳуқуқлари*

Мактаб директори қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

— Мактаб (педкенгаш) кенгашига мактабнинг иш режаси ва ўқув режасини тасдиқлаш учун тақдим этиш, ўқув режалари, дастурларига ўқув ихтисосига мувофиқ ўзгартиришлар киритиш, ўқувчиларнинг ўқув йили давомидаги ва синфдан-синфга кўчириш имтиҳонларидаги билимларини текшириш шаклларини, ўқувчиларга таълим ва тарбия бериш воситалари ҳамда усулларини аниқлайди (белгиланган давлат андозаларининг бажарилишини таъминлаш шарти билан);

— энг қобилиятли ва иқтидорли мактаб болаларини танлаш мақсадида ўқувчиларни тест синовидан ўтказиш, бир неча фанлар чуқур ўргатиладиган синфларнинг 10-11-синфларига танлов асосида ўқувчилар қабул қилиш;

— мактабга зарур бўлган жиҳозларни ва бошқа моддий ресурсларни хоҳлаган корхона, ташкилот, кооперативлар ва шахслар орқали чакана савдо тармоқларидан сотиб олиш, ижарага олиш, буюртма бериш нақд пулсиз ва воситачи дўконларда майда улгуржини лимитга ҳисобламай олиш;

— юқори малакали педагог-мутахассисларни таклиф этган ҳолда, таълимга қўйилган мажбурий талаблар даражасини кўтариш мақсадида айрим фанларни чуқур ўрганилганда ўқув режасидан ташқари қўшимча курслар ташкил қилиш;

— ҳар хил турдаги қурилиш ишларини, мактабни жорий тузатиш, жиҳозлаш, унинг хоналари, иншоотлари ва бошқаларини яхши сақлашга оид ишларни бажариш учун ташкилотлар, муассасалар ва шахслар билан, шунингдек, ўқувчилар билан шартномалар тузиш;

— молиявий таъминлашнинг турли манбаларидан фойдаланиб, мактабнинг ўз фондини ташкил қилиш;

— тўлов қоғозлари бўйича ва чек дафтарлари бўйича ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ бухгалтерия ва статистика ҳисоботини мустақил равишда олиб бориш, мавжуд ортиқча инвентар ва асбоб-ускуналарни сотиш;

— Мактаб (педкенгаш) кенгаши билан келишган ҳолда мактаб фондидан олинадиган маблағларни тежаш ҳисобига ижодий ишловчи ўқитувчиларнинг иш ҳақига устамалар белгилаш;

— аттестация якунларига кўра ўқитувчиларга юқори тоифа берилиши ҳақида таклифлар киритиш ва педагогик ходимларини вилоят ва республика малака ошириш курсларига, стажировкага (шу жумладан, чет элларга), аспирантурага тавсия этиш;

— мактабнинг жамоат ташкилотлари билан биргаликда ишда ва ўқишда алоҳида ютуқларга эришган ўқитувчиларни ўқувчиларни ва мактабнинг бошқа ходимларини мукофотларга (шу жумладан, моддий) тавсия этиш, зарур ҳолларда уларни жазолаш;

— ўқув-ишлаб чиқариш бирлашмалари ташкил қилиш, алоҳида тадбирлар ўтказиш учун зарур маблағларни тўплаб бошқа мактаблар, ўқув-тарбия, илмий ва мактабдан ташқари муассасалар билан бирлашмалар ташкил этиш тўғрисида шартномалар тузиш;

— Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан ўқитувчилар ва ўқувчилар алмашиш тўғрисида, қўшма муассасалар ташкил этиш ҳақида, қўшма тадбирлар (конференциялар, мактаб лагерлари ва бошқалар) ўтказиш тўғрисида чет эл таълим ўқув юртлари билан шартномалар тузиш;

— мактабнинг ўқув-тарбия фаолиятидаги кундалик масалаларни ҳал қилиш учун заруриятга қараб мактабнинг барча ходимларини ёки уларнинг айрим тоифаларини тўплаб мажлис ўтказиш;

— ўз ўринбосарларининг, педагогларнинг иш фаолиятлари ҳақидаги ҳисоботларини тинглаш, Мактб педагогика кенгаши муҳокамасига уларнинг ваколатларини давом эттиришлари ёки тўхтатишлари тўғрисида таклифлар, шунингдек, улар ишини такомиллаштиришга оид таклифлар киритиш;

— мактаб Устави, Низоми, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид равишда ўтаётган Мактаб (педкенгаш) кенгаши ишини тўхтатиш.

3. Мактабни ўз-ўзини бошқаришнинг юқори органи мактаб жамоасининг конференцияси (умумий йиғилиш) ҳисобланади.

Ҳал қилувчи овоз билан делегатлар конференцияга II-III босқич мактаб ўқувчилари, ўқитувчилар ва мактабнинг бошқа ходимлари жамоатчилиги, ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) ва жамоатчилик вакилларининг йиғилишларида ҳар бир уч тоифадан тенг ҳолда сайланадилар.

Конференция йилда камида бир марта ўтказилади.

*Конференция:*

— Мактаб кенгашини, унинг раисини тўғридан-тўғри яширин овоз бериш йўли билан сайлайди, уларнинг ваколатлик муддатларини белгилайди;

— мактаб Уставини қабул қилади ва унга керакли ўзгартиришлар киритади; мактабни ревожлантиришнинг, ўқув-тарбия жараёнининг сифат ва самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини тасдиқлайди;

— ўқитиш қайси тилда олиб борилишини аниқлайди, мактаб моддий-техника базасини ривожлантириш учун қўшимча молиявий маблағлар жалб этади;

— зарурат туғилган тақдирда мактабнинг турли иш йўналишлари бўйича вақтинчалик ёки доимий комиссиялар, штаблар, кенгашлар тузади ва уларнинг ваколатларини белгилайди.

Конференциялар оралиғидаги даврда ўз-ўзини бошқариш юқори органи вазифасини Мактаб кенгаши бажаради.

*Мактаб кенгаши:*

— Мактаб жамоаси конференцияси қарорлари бажарилишини ташкил этади, жамоа аъзоларининг таклифлари ва танқидий фикр-мулоҳазаларининг қандай амалга оширилаётганлигини назорат қилади;

— мактабни ривожлантириш режасини тасдиқлайди;

— директор билан биргаликда давлат ва жамоат ташкилотларида мактаб манфаатларини ифодалайди, шунингдек, ота-оналар (уларнинг вазифасини бажарувчи шахслар) билан бир қаторда давлат ва жамоат ташкилотларида ўқувчиларнинг манфаатларига тааллуқли масалалар муҳокама қилинаётганда уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлайди;

— методик ва педагогик кенгашлар тақдимига кўра мактаб таълимини таъминлашнинг таркибий қисмини белгилайди, ўқитиш ва меҳнатга тайёрлаш ихтисосларини танлайди;

— мактаб иш тартибини, педагогнинг тарификация қилинган умумий иш ҳажмини ўзгартирмасдан ўқув ҳафтаси ва ўқув машғулоти давомийлигини, 1-синфга қабул қилиш ёшини, ўқувчи формасининг зарурати ва кўринишини белгилайди, тегишли халқ таълими бошқармаси органлари билан келишилган ҳолда биринчи, шунингдек, навбатдаги синфлар сонини аниқлайди;

— бюджет маблағларини сарфлаш ҳисоботларини кўриб чиқади, маблағ билан таъминлашнинг турли манбаларидан фойдаланиб, ўз фондини шакллантиради, мактабнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишларини аниқлайди;

— айрим педагоглар, мактаб директори ва унинг ўринбосарларининг иши ҳақидаги ҳисоботларни тинглайди, эгаллаб турган лавозимларига мувофиқликлари ёки номувофиқликлари муносабати билан уларнинг ваколатларини узайтириш ёки тўхтатиш ҳақида, шунингдек, уларнинг ишини такомиллаштириш юзасидан конференцияга таклифлар киритади;

— амалдаги қонунчилик доирасида педагог ходимлар ва мактаб маъмуриятининг касб ва лавозим фаолиятига асоссиз аралашишдан ҳимоя қилувчи зарур чора-тадбирлар кўради, мактаб жамоаси мустақиллигини чекловчи ҳар қандай маъмурий буйруқбозликка йўл қўймайди ва мазкур масалалар бўйича тегишли органларга мурожаат қилади;

— маъмурият, ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоат ташкилотлари билан яқин алоқада иш олиб боради.

Мактаб кенгашининг барча қарорлари ўз вақтида мактаб жамоаси, ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) ва жамоатчиликка маълумот учун етказилади.

Мактаб кенгаши таркибига педагог ходимлар, II ва III босқич ўқувчилар, ота-оналар (уларнинг ўрини босувчи шахслар) ва жамоатчилик вакиллари киради. Кенгашдаги вакиллик нормаси ва Кенгаш таркибининг умумий сони конференция томонидан белгиланади. Навбатдаги сайловларда Кенгаш таркибининг одатда камида учдан бири янгиланади.

Ўқув юрти директори лавозими бўйича Кенгаш Раиси ҳисобланади. Кундалик масалаларни ҳал қилиш учун Мактаб кенгаши ўз таркибидан бюро, жанжал ва тафтиш ҳайъатини сайлаши мумкин.

Мактаб кенгаши бир йилда камида 4 марта йиғилади. Мактаб кенгаши аъзолари ўз вазифаларини жамоатчилик асосида бажарадилар. Мактаб жамоаси конференцияси ўз аъзоларини муддатидан олдин кенгаш таркибидан чиқариши мумкин.

Агар Кенгаш йиғилишида Кнгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашса ва қатнашчиларнинг учдан икки қисми овоз берган бўлса, Мактаб кенгаши қарори қонуний ҳисобланади.

Мактаб кенгашининг ўз ваколати доирасида ва қонунчиликка мос равишда қабул қилган қарорлари маъмурият ва мактаб жамоасининг барча аъзолари учун бажариш мажбурийдир.

Мактаб кенгаши аъзоси киритган ҳар қандай таклиф, агар бу таклифни кенгаш аъзоларининг учдан бири қўллаб-қувватласа, у бу таклифнинг муҳокама қилинишини талаб этиши мумкин.

Мактаб кенгаши билан маъмурият ўртасида юзага келган мунозарали масалалар мактаб жамоаси конференцияси (умумий мажлисда) ёки туман (шаҳар) халқ таълими бўлими кенгашида ҳал қилинади.

4. Ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш ва такомиллаштириш ўқитувчилар ва тарбиячиларнинг касб маҳоратларини ва ижодий равнақини ошириш мақсадида педагог ходимларни бирлаштирувчи мактаб педагогика кенгаши — ҳайъат органи ташкил этилади.

Мактаб директори педагогик кенгашининг раиси ҳисобланади.

*Педагогик кенгаш:*

— таълим мазмуни (ўқув режалари, дастурлари, дарсликлар)нинг турли вариантларини муҳокама қилади, ўқув-тарбия жараёни услублари, шакллари ва уларни амалга ошириш усулларини танлайди; педагог ходимларнинг малакасини ошириш, уларнинг ижодий ташаббускорликларини ривожлантириш, педагогика тажрибаларини оммалаштириш ишларини ташкил этади, синов-экспериментал ишларнинг бориши ва якунини муҳокама қилади, ўқув юртининг илмий-текшириш институтлари, кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар бўлимлари, бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш йўналишларини белгилайди;

— ўқувчилар, ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)нинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олиб мактаб педагогика ходимларини аттестациядан ўтказади, ўқитувчиларга малака тоифаларини бериш ҳақида халқ таълими (туман, шаҳар) органлари ҳузуридаги малака (аттестация) комиссияларига таклифлар киритади;

— мактаб педагог ходимларини шаҳар, вилоят ва республика педагогика ўқишларига, малака ошириш курсларига (шу жумладан, чет элга), аспирантурага, шунингдек, турли мукофотларга тавсия этади.

Педагогика кенгаши ҳузурида фанга оид ва бошқа секциялар, бирлашмалар ташкил этилиши мумкин.

5. Мактабда амалдаги қонунчиликка мувофиқ ўз Уставлари ва Низомлари асосида болалар, ўсмирлар ва ёшларнинг жамоат ташкилотлари фаолият кўрсатади.

Барча жамоат ташкилотлари мактаб Уставида назарда тутилган ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш, мактабда демократия ва ошкораликни ривожлантириш, мажбуриятларни бажаришга эришиш ва ўқувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун гамхўрлик қилишга сафарбар қилинганлар.

Жамоат ташқлиотларининг вакиллари Мактаб (педкенгаш) кенгаши директор қошидаги мажлисларда муҳокама қилиш ва қарорлар қабул қилишда қатнашиш ҳамда мактаб маъмуриятидан ўқув-тарбия жараёни ҳақидаги зарур ахборотларни олиш, педагогларнинг аттестациядан ўтишида уларнинг ўқувчилар билан ўзаро муносабатлари ҳақидаги истакларни айтиш ҳуқуқига эгадирлар. Педагогика жамоаси, мактаб ва болалар, ўсмирлар ҳамда ёшлар ташкилотларининг раҳбарлари ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳурмат, ишонч, масъулият ва ҳамкорлик асосига қурилади.

6. Мактабларда ҳужжатларни юритиш тартиби Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган Мактаб ҳужжатларини юритиш тўғрисидаги йўриқномага биноан амалга оширилади.

Мактаб ҳисоботи давлат статистика органлари талабларига мувофиқ тақдим этилади. Давлат ва жамоат органлари томонидан бошқа хил ҳисоботларни талаб қилиш тақиқланади.

7. Мактабда барча текширув ишлари фақат халқ таълими маҳаллий органи (шаҳар, туман.ХТБ, вилоят ХТБ, Тошкент шаҳар ХТББ) билан келишилган ва мактаб директори, Кенгаши огоҳлантирилган ҳолда амалга оширилади.

8. Мактаб Устав асосида иш олиб боради.

Мактаб Уставида ушбу Низомдан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, тегишли туман (шаҳар) халқ таълими органлари томонидан қўшимча берилган ваколатлар, шунингдек, амалдаги қонунга зид келмайдиган ва мактаб фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа масалалар белгиланади.

### VI. МАКТАБНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ

1. Мактабнинг молиявий маблағи давлат даражасига эришишни таъминловчи норматив асосида ажратиладиган бюджет маблағлари ва мактабнинг бошқа манбалардан ташкил топувчи ўз маблағларидан пайдо бўлади.

2. Мактабдаги ўқув-тарбия жараёнларини, меҳнат жамоасини ижтимоий ривожлантириш ва унинг ходимларига иш ҳақи тўлашнинг асосий молиявий манбалари бўлиб барқарор нормативлар бўйича ажратиладиган, ҳар йили нархларни эркинлаштириш билан аниқланадиган давлат бюджети маблағлари ҳисобланади ва у таълимга нисбатан мажбурий талаблар даражасига эришишни таъминлайди.

Бюджетдан молиявий таъминлаш нормативларини ажратиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлиги қарорларига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоят ХТБ, Тошкент шаҳар ХТББ томонидан амалга оширилади.

Ҳокимликлар, маҳалла қўмиталари минтақавий эҳтиёжлар ва шарт-шароитлардан келиб чиқиб оширилган нормативларни белгилашлари ва уларни тегишли маблағлар билан таъминлашлари мумкин.

3. Мактаб кам таъминланган оилаларнинг болаларига умумий таълим фонди, мактаб фонди маблағлари ҳисобидан дарсликлар, ўқув-ёзув жиҳозлари, кийим-бош, оёқ кийимлари сотиб олишда ва текин ёки имтиёзли овқатланишни ташкил этишда моддий ёрдам кўрсатади.

4. Мактабнинг молиявий маблағлари ўзининг тўла ихтиёрида бўлади ва у олиб қўйилмайди. Бу маблағларни тақсимлаш ҳуқуқи Мактаб кенгашига тегишлидир.

Мактабнинг ўз маблағлари қуйидаги асосий манбалардан:

— мактабнинг хўжалик фаолиятидан, мактаб томонидан кўрсатилган пулли хизматлардан, мактаб биноси ва жиҳозларини ижарага беришдан олинган даромадлардан;

— давлат, ижтимоий, кооператив ва бошқа ташкилотлар, ўқув кооперативлари, цехлар, ишлаб чиқариш бригадалари, ота-оналар ва бошқа фуқароларнинг ихтиёрий бадалларидан;

— вазирликлар, идораларнинг, таянч ва бошқа корхоналар ва давлат муассасалари, жамоатчилик ва кооператив ташкилотларнинг мақсадли қўйилмаларидан;

— банк кредити ва бошқа тушумлардан;

— корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг, алоҳида шахсларнинг буюртмаларини бажариш ҳисобидан;

— мактаб устахоналари, мактаб участкаси ва иссиқхоналари маҳсулотларини сотишдан тушган даромадлардан ташкил топади.

5. Мактабда қўшимча ўқув предметлари ва режадан ташқари курслар жорий қилинганда, тажриба—экспериментал ишлари олиб борилганда, экспериментал педагогик майдончалар ташкил этилганда, янги турдаги мактаблар очилганда, шунингдек, бошқа ҳолларда ҳокимликлар мактабни зарур моддий-техника билан жиҳозлаш учун қўшима молиявий маблағлар ажратишлари мумкин.

Таълимни ривожлантиришга оид мақсадли экспериментлар, истиқболли педагогик дастурларни илгари сурган экспериментал ва бошқа мактабларнинг фаолияти Халқ таълими вазирлигининг марказлашган фонди ҳисобидан, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоят ХТБ, Тошкент шаҳар ХТББ фондлари ва бошқа жалб қилинган маблағлардан молиявий таъминланиши мумкин.

6. Мактаб банк кредитидан фойдаланиши мумкин. Банклар томонидан мактабнинг кундалик фаолияти учун қисқа муддатли кредит ажратилади. Моддий негизни ривожлантириш ва ижтимоий ривожланиш учун келгусида қарзни узиш шарти билан мактабнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланиш фонди ҳисобидан узоқ муддатли кредит берилади.

7. Мактаб ходимларига меҳнат ҳақи тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш меҳнатга ҳақ тўлашнинг амалдаги шартларига мувофиқ амалга оширилади.

Лавозим маошлари ва тариф ставкаларига педагогларнинг ва бошқа ходимларнинг тегишли малака тоифалари учун кафолатланган энг кам иш ҳақи сифатида қаралиши керак (барча турдаги 1 босқич умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг ҳафталик дарс соати 14 соат. II — III босқич мактабларида — 16 соат).

Малака тоифалари Аттестация ҳақидаги Низомга мувофиқ мактабнинг барча ходимларини аттестациядан ўтказиш жараёнида берилади.

8. Мактабда лавозим маошларига ва ставкаларига касб маҳорати, меҳнатда эришган ютуқлари, алоҳида муҳим ишларни бажаргани учун ва бир йўла бир неча касбда ишлагани учун маблағларни тежаш ва мактаб фонди ҳисобидан табақалаштирилган қўшимча ҳақ ва устамалар берилиши мумкин.

Қўшимча ҳақлар жорий этиш ва педагог ходимлар ҳамда бошқа ходимларнинг мукофотлаш шартлари ва тартиби Мактаб кенгаши (педкенгаш) томонидан белгиланади.

I босқич кам сонли мактабларнинг педагогларига, куни узайтирилган гуруҳларига, шунингдек, танлов бўйича ёки факультатив (давлат томонидан ҳақ тўланадиган) машғулотлар учун ўқувчиларнинг сонидан қатъи назар, фақат алоҳида синф ёки гуруҳ ўқувчилари учун ўтилган соатлар миқдорига қараб иш ҳақи тўлаш амалга оширилади.

9. Мактабнинг хўжалик фаолиятини режалаштириш ва ташкил этишнинг асосий шакли бўлиб мактаб томонидан мустақил равишда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш режаси ҳисобланади. Режалаштиришнинг дастлабки маълумотлари: контрол рақамлар, давлат буюртмалари, узоқ муддатли иқтисодий нормативлар ва лимитлар — Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Контрол рақамлар директор хусусиятта эга бўлмайди ва улар мактабдаги ўқувчилар сони, техник жиҳатдан жиҳозланганлиги кўрсаткичлари, моддий негизни ривожлантириш, мактаб жамоасининг ижтимоий ривожланиши, аҳолига пулли хизматлар кўрсатиш ҳажмидан иборат бўлади.

10. Мактаб томонидан пулли хизматлар кўрсатиш деганда қуйидагилар тушунилади:

— таълимга нисбатан мажбурий талаблар даражасини оширувчи турли пулли факультатив курслар ва айрим фанларни чуқур ўрганиш бўйича курслар, бошқа ташкилотлар (олий ўқув юртлари, маданият ва санъат муассасалари, ижодий уюшмалар)дан юқори малакали мутахасисларни таклиф қилиш йўли билан махсус лекциялар ва маслаҳатлашувлар ўтказиш, санъат, жисмоний тарбия, спорт ва бошқалар бўйича қўшимча дарслар уюштириш;

— катта ёшлиларни ўқитиш учун турли курсларни ташкил этиш;

— ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг меҳнат фаолияти жараёнида, шунингдек, корхона ва ташкилотларнинг буюртмаларини бажариш натижасида олинган маҳсулотларни сотиш;

— мактаб хоналари, спорт заллари, жиҳозлар ва бошқа нарсаларни ижарага бериш;

— мактаб театрлари қатнашчилари, ўқитувчилар ва ўқувчилар кучи билан аҳолига спектакллар ва концертлар кўрсатиш.

Аҳолига пулли хизматлар белгиланган тартибда тасдиқланган нархлар ва тарифлар бўйича, бундай нархлар ва тарифлар бўлмаган тақдирда — шартлашилган нархлар бўйича кўрсатилади.

Ҳокимликлар пулли хизматлар бўйича давлат буюртмаларини бажариш ҳақидаги ҳисоботга мактаблар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажмларини ҳам қўшишлари мумкин.

Юқори ташкилотлар томонидан мактабларга пулли хизматларни ривожлантириш бўйича режалаштирилган топшириқларнинг, улар қандай шаклда бўлмасин, берилишига йўл қўйилмайди.

Пулли хизматларни кўрсатиш бюджетдан молиявий таъминланадиган фаолият ўрнига амалга оширилмаслиги ва пулсиз хизмат кўрсатиш даражасини камайтириш эвазига бўлмаслиги шарт. Пулсиз хизмат кўрсатиш даражаси туман (шаҳар) халқ таълими бўлими томонидан назорат қилинади.

11. Ҳокимликлар мактабларга зарур иншоотлар ва бинолар, муҳандислик коммуникациялари, ер майдонлари, ўқув қуроллари, инвентарларни етказиб берадилар, мактаб бинолари ва иншоотларини ўз вақтида асосли ва жорий тузатиб беришни таъминлайдилар, мактабларни асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун лимитлар ажратадилар.

12. Мактабнинг моддий-техника негизи таркибига ер, бинолар (асосий ва ёрдамчи бинолар), спорт иншоотлари, коммуникациялар, техник воситалар ва асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, кутубхона фонди, лаборатория препаратлари, ўқув кўргазмали қуроллар, мебель, ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш учун фойдаланиладиган бошқа мулклар киради.

Мактаб биноси техника хавфсизлиги қоидалари ва санитария-гигиена нормаларига мувофиқ жиҳозланади ҳамда фойдаланилади. Мактабларнинг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш республика ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан, шунингдек, молиявий таъминлашнинг қўшимча манбалари, мактаб фонди ҳисобидан амалга оширилади.

13. Мактабда бухгалтерлик ва статистика ҳисоби ҳамда ҳисоботини юритиш тартиби амалдаги қонунчилик билан тартибга солинади. Ҳисобга олиш мактаб томонидан мустақил равишда ёки марказлашган туман (шаҳар) бухгалтерияси орқали олиб борилиши мумкин. Ҳисоб-китоб операциялари, тўлов топшириқномалари бўйича ва чек дафтарчалари бўйича амалга оширилиши мумкин.

### VII. МАКТАБНИНГ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКДА ҚАТНАШИШИ

Умумтаълим мактаби амалдаги қонунчиликка мувофиқ халқаро фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.

Мактаб хорижий ўқув юртлари билан валютасиз асосда халқ таълими (туман-шаҳар ХТБ)нинг тегишли органлари орқали ўқувчилар гуруҳини ўқишга, дам олишга, биргаликда ўтказиладиган олимпиадалар, кўриклар, танловларга юбориш юзасидан алмашиш имкониятларини назарда тутувчи тўғридан-тўғри амалий алоқалар ўрнатади.

# Гимназия тўғрисида Низом

*Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 21 ноябрдаги 440-сон қарорига 2-илова*

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Гимназия — иқтидорли болаларга 1 дан XI синфгача таълим ва тарбия беришга йўналтирилган ўрта умумтаълим ўқув юртидир.

2. Гимназия ўз фаолиятини «Таълим тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда унга мувофиқ қабул қилинадиган бошқа қонун ҳужжатларига, Умумтаълим мактаби тўғрисидаги Низомга ва мазкур Низомга амал қилган ҳолда амалга оширади.

3. Гимназия ривожланаётган таълимнинг янги мазмунини излаш ва ишлаб чиқиш, уни амалга оширишнинг шакл ва услубларини ташкил қилувчи ижодий лаборатория ҳисобланади.

4. Қуйидагилар гимназиянинг асосий мақсадлари ва вазифалари ҳисобланади:

болаларнинг ўзига хос имкониятларини ҳисобга олган ҳолда узлуксиз, ҳар томонлама ва изчил ривожланишларини энг юқори даражада таъминловчи (ижтимоий, иқтисодий, руҳий, маданий-тарихий, эстетик, педагогик ва бошқалар) шарт-шароитлар мажмуини яратиш;

ўқувчиларнинг таълимнинг давлат андозалари талабларидан юқори илм олишларини таъминлаш;

шахсни ақлий, маънавий, гуманитар-эстетик ва жисмоний жиҳатдан такомиллаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

ўқувчининг ижодий имкониятларини очиш ва фаоллаштириш.

5. Гимназия мустақил юридик шахс ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, тўртбурчакли штампга, шунингдек, тегишли намунадаги лавҳага эга бўлади.

6. Гимназия маҳаллий бошқарув органлари ва ўзи қарамоғида бўлган халқ таълими органлари, ота-оналар жамоатчилиги олдида шахснинг билим олишга бўлган конституциявий ҳуқуқлари рўёбга чиқарилиши, мазкур гимназия учун ишлаб чиқилган ўқув дастурларининг гимназистлар томонидан пухта ўзлаштирилиши, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг танланган шакллари болалар ёшининг руҳий-физиологик хусусиятларига, уларнинг соғлиқларини сақлаш талабларига мос келиши учун жавоб беради.

7. Гимназияда ўқитиш тилларидан фойдаланиш тартиби «Ўзбекистон Республикаси давлат тили ҳақида»ги Қонун билан белгиланади.

8. Гимназияни ташкил этиш, қайта ташкил қилиш ёки тугатиш Вазирлар Маҳкамасининг «Таълим тўғрисидаги норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ва уларни амалга оширишга оид чора-тадбирлар ҳақида» 1993 йил 12 августдаги 406-сон қарори билан тасдиқланган «Давлат таълим муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби тўғрисида»ги, «Таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва рўйхатдан ўтказиш тўғрисида»ги низомларга ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш учун махсус рухсатномалар (лицензиялар) бериш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 1994 йил 19 апрелдаги 215-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

9. Ҳар бир гимназия мазкур Низом ва Умумтаълим мактаби ҳақидаги Низом асосида ўз Уставини ишлаб чиқади. Унда жамоанинг хусусиятларини ва ривожланиш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда, жамоа ҳаётининг норма ва қоидалари, гимназия жамоа аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчлари белгиланади.

10. Таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Низомга мувофиқ гимназия вақти-вақти билан аттестация қилиниши ва рўйхатдан ўтказилиши лозим.

II. ЎҚУВ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНЛАРИ ТУЗИЛМАСИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

1. Гимназия таълим жараёнини умумтаълим дастурлари даражаларига мувофиқ ҳолда уч босқичда амалга оширади. 1-босқич— бошланғич, 2-босқич — таянч, 3-босқич — ўрта; ҳар бир босқичдаги болаларнинг ёши ва ўқиш муддати гимназия Устави билан белгиланади.

2. Гимназия I—XI синфлар таркибида ташкил этилади. Гимназиянинг биринчи синфига унинг Уставида белгиланган танлов усулларидан ўтган ўқувчилар қабул қилинади.

3. Гимназия ўқувчиларида умумтаълим мактабининг тегишли синфига эркин ўтиш ҳуқуқи сақлаб қолинади.

Ўзбекистон Республикасида яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар гимназияга шартномалар ва битимларда белгиланадиган умумий асосларда қабул қилинадилар.

3. Гимназия таянч компонентни мажбурий тартибда ўз ичига оладиган ўзига хос ўқув режалари ва дастурлари бўйича иш олиб боради. Улар педагоглар кенгаши томонидан ишлаб чиқилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг халқ таълими бошқармалари томонидан тасдиқланади.

4. Гимназияда синфдан-синфга кўчириш имтиҳонларини ўтказиш зарурияти, шакллари ва муддатлари Қорақалпоғистон Халқ таълими вазирлиги Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари халқ таълими бошқармалари билан келишилган ҳолда ўқув юрти Кенгаши томонидан белгиланади.

IX ва XI синфларда битириш имтиҳонларини ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг синфдан-синфга кўчириш ва битириш имтиҳонларини ўтказиш ҳақидаги тегишли йўриқномаларига мувофиқ белгиланади. Синфдан-синфга кўчириш имтиҳонлари натижаларига кўра ўқувчиларнинг гимназияда келгусида ўқишни давом эттиришлари ёки эттирмасликлари масаласи ҳал этилади.

Синфдан-синфга кўчириш имтиҳонларида гимназияда белгиланганидан паст кўрсаткичларга эришган ўқувчилар педагогика кенгашининг қарорига кўра гимназиядан чиқариладилар ва яшаш жойидаги умумтаълим мактабларининг одатдаги синфларига ўтказиладилар.

5. Гимназия синфларидаги ўқувчилар сони 16-20 кишидан иборат бўлади. Фанларни чуқурлаштирилган дастур бўйича ўрганишда, лаборатория ва амалий машғулотлар ўтказишда синфлар икки кичик гуруҳга бўлинади. Агар мазкур фанлар бўйича машғулотлар белгиланган миқдорда ўқувчиларга эга бўлган синфларда ўтказилаётган бўлса, ўқитувчининг иш ҳақига белгиланган нормативларга мувофиқ қўшимча устама берилиши мумкин. Синфни уч ва ундан ортиқ кичик гуруҳга бўлиш, шунингдек, бошқа фанларни ўрганишда кичик гуруҳларга бўлиш гимназиянинг мавжуд иш ҳақи фонди доирасида ва жалб этилган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Ўқув йили давомида синфлардан ўқувчилар кетган тақдирда ўқувчилар сони камида 12 нафар бўлса синф сақлаб қолинади.

6. Гимназияни битирганларга ўқув юртининг тури кўрсатилган ҳолда белгиланган нусхада таянч ёки ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжатлар берилади.

III. ЎҚУВЧИЛАР

1. Гимназия ўқувчилари:

давлат таълим андозаларига мувофиқ бепул умумий таълим олиш;

қўшимча таълим хизматлари олиш ҳуқуқига эгадирлар.

2. Гимназия ўқувчилари гимназия Уставини тан олишга ва уни бажаришга мажбурдирлар.

3. Ўқувчиларни навбатдаги синфга ўтказиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

IV. ПЕДАГОГИК КАДРЛАР

1. Гимназия директори тегишли махсус маълумотга эга бўлган шахсларни танлов-контракт асосида педагогик ишга қабул қилади.

Гимназия ходимларининг ҳуқуқлари ва бурчлари контракт шартлари билан белгиланади ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солиб борилади.

2. Гимназиянинг ўқув ишларига олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, шунингдек, илмий муассасалар, корхона ва ташкилотларнинг бошқа мутахассислари жалб этилиши мумкин.

V. ГИМНАЗИЯНИ БОШҚАРИШ

1. Гимназияни бошқариш унинг гимназия Кенгаши (педкенгаш) тасдиқлаган Уставига мувофиқ амалга оширилади.

2. Ўқув-тарбия, илмий-тадқиқот жараёнларига ва гимназиянинг кундалик фаолиятига бевосита раҳбарликни директор амалга оширади.

VI. ГИМНАЗИЯНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ

1. Гимназияга амалдаги қонунчилик доирасида тўлиқ молиявий мустақиллик берилади.

Гимназия Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан келишилган ҳолда халқ таълими органлари тасдиқлаган ўзига хос штат жадвали бўйича иш юритади.

Гимназиянинг молиявий таъминоти Умумтаълим мактаби тўғрисидаги Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

2. Гимназия ўқитувчиларининг иш ҳақида ставкалари умумтаълим мактаблари иш ҳажмлари ҳисобидан белгиланади.

VII. ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКДА ҚАТНАШИШ

Гимназия амалдаги қонунчиликка мувофиқ, шунингдек, Умумтаълим мактаби тўғрисидаги Низомда назарда тутилган халқаро фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИДА

**(Боши 1-бетда).**

борасида қилинаётган ишлар, шаҳар мактабгача тарбия муассасаларининг моддий таъминот базаси ва ҳоказо бир қатор масалалар хусусида ўз ҳисоботини баён қилди.

Шундан сўнг ҳайъат йиғилиши иштирокчиларидан Фарғона вилояти халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Т. Қурбонов, Тошкент шаҳар Чилонзор туман халқ таълими бўлими мудири М. Абдумаликов, Самарқанд вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институти ўқитувчиси М. Абдуллаева, Наманган вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг мактабгача тарбия хонаси мудири М. Ҳусанова ва бошқалар муҳокамада сўзга чиқишиб, Тошкент шаҳар мактабгача тарбия муассасаларида, айниқса янгича йўналишдаги таълим-тарбия масканларида ўрганишга, оммалаштиришга арзийдиган иш тажрибалар кўп эканлигини қайд этиб ўтишди.

Анъанага айланиб бораётган тадбирлардан бири шундаки, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан жойларда фойдали анжуманлар бўлиб ўтмоқда. Бу галги анжуман — мактабгача тарбия муассасалари ходимларининг навбатдаги республика семинари Сирдарё вилоятида бошланиб, Тошкент шаҳрига кўчди.

Бу борадаги таассуротлар билан газетамизнинг кейинги сонида батафсил танишасиз.

**Зубайда УСМОНОВА,**
**«Маърифат»нинг махсус мухбири.**

*Ўзбекистон — Қозоғистон*

## ҚАРДОШЛАР ТАШРИФИ

Яқинда Қозоғистон Республикаси таълим вазирлиги бошқармалари бошлиқлари, Алмати ва Жанубий Қозоғистон вилоятлари таълим департаментлари раҳбарлари ҳамда Чимкент мактаблари, ўқув ишлаб-чиқариш комбинатлари директорларидан иборат бир гуруҳ маорифчилар республикамизга ташриф буюрди. Уларни асосан Ўзбекистонда халқ таълимининг ҳозирги аҳволи, бу тизимни ислоҳ қилиш жараёни, «Соғлом авлод учун» дастури татбиқи, таълимга оид ҳужжатлар, таълимни маблағ билан таъминлашнинг ўзига хос жиҳатлари каби масалалар қизиқтирди. Бу борадаги саволларга делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири муовини Муртазо Султонов қабулида бўлишганида тўлақонли жавоблар олишди. Меҳмонларга Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида», «Таълим тўғрисида»ги Қонун матни ва бошқа таълимга оид ҳужжатлар совға қилинди.

— Тошкентга келиб, таълим соҳасида олиб борилаётган, биз учун чинакам янгилик бўлган ислоҳотларни билдик, — деди Жанубий Қозоғистон вилояти маъмурияти таълим департаменти раҳбари муовини Раҳима Қожомжарова. — Биз қўшни сифатида Тошкент вилоятидаги ҳамкасбларимиз билан дўстлашганмиз. Ўзаро бордикелдилар нафақат фойдали, балки ҳозирги кунда зарурат ҳамдир. Республикангиз Президентининг таълим соҳаси ходимларига алоҳида ғамхўрлиги, умуман олганда ўтиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган сиёсати бизни қувонтирди. Ўзбекистонда кўпгина соҳаларда эришилган ютуқлар сари Қозоғистонда эндигина илк қадамлар қўйилаяпти. Шунинг учун ҳам бугунги тажриба алмашувнинг аҳамияти беқиёс.

Шунингдек, учрашувда ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга доир кўпгина қизиқарли таклифлар айтилди.

**Мухбиримиз.**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фан ва маданият бўлимининг етакчи мутахассиси, фалсафа фанлари номзоди М. К. Исомовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 440-сонли қарори билан тасдиқланган**

# «Ўзбекистон Республикасининг умумтаълим мактаби тўғрисида» ва «Гимназия тўғрисида»ги Низомларга шарҳи

1. УМУМИЙ ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ НИЗОМИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 21 ноябрь куни «Таълим тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ навбатдаги норматив ҳужжатларни тасдиқлади.

Ушбу ҳужжатлардан бири «Таълим тўғрисида»ги Қонун эълон қилинган кунидан бери Ўзбекистоннинг кенг педагоглар жамоалари таклифлари, мамлакатимиз тажрибали мутахассисларининг хорижий мамлакатларга бориб, улардаги таълимни ташкил қилиш масалаларини эътиборга олиб ишлаб чиқилган «Умумтаълим мактаби тўғрисида»ги Низомдир.

Мазкур Низом Ўзбекистон таълимининг асосий мақсадлари бўлган демократик эркин давлат қуриш ва бозор иқтисодиётига ўтиш талабларидан келиб чиққан таълимни ташкил қилиш билан бевосита боғлиқдир.

Мамлакатимиз Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асарида «халқ таълимини бутун тизимини янада қатъият билан ва тезроқ қайта қуриш зарур», деб кўрсатган. Ушбу Низомлар Президентимизнинг кўрсатмаларини ҳаётга татбиқ қилиш умумий таълимни ислоҳ қилишни янада тезлаштиришга имкон яратади.

Низомда Ўзбекистон Конституциясида белгиланганидек, Ўзбекистон фуқароларига текин умумий таълим олишнинг кафолатланиши, мактаб фаолиятида демократия ва инсонпарварлик, умуминсоний қадриятларнинг устиворлиги, халқнинг илмий ва маданий анъаналари ва замирида маърифат ётган таълимни ташкил қилиш, турли ижтимоий ва сиёсий партиялар ва ҳаракатларга қўшилмаслик, иқтидор ва илмни рағбатлантириш, ўқувчи ва педагог шахсни ҳурмат қилиш тамойиллари асосийлиги таъкидланган.

Умумий таълим мактаблари билимдон, профессионал жиҳатдан саводли ҳамда ўз мамлакатининг чинакам ватанпарварларини тарбиялай оладиган таълим муассасаси бўлгани сабабли унинг Низомида таълим олувчиларнинг илмий билим олишлари, ишбилармонлик асосларини, меҳнат ва бошланғич касб кўникмаларини эгаллашларини, шунингдек, уларнинг ўзига хос қобилиятлари ва ахлоқий сифатларини ривожлантиришни таъминлаш, фуқароларнинг миллий-маданий эҳтиёжларини қондиришда кўмаклашишга, миллий қадриятларни тикланишига, барча миллат вакилларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни тарбиялашга, ёшларда фуқаролик туйғусини шакллантиришга, уларни мустақил ҳаётга тайёрлашга даъват этиш каби масалаларига кенг эътибор берилган.

Аввалги умумтаълим мактабларидан фарқли томонларидан яна бири шуки, бунда ўқувчиларнинг қизиқишлари ва қобилиятларини ривожлантириш учун энг қулай шароит яратиш, ўқувчилар ичидан энг қобилиятлиларини қўллаб-қувватлаш мақсадида умумий таълим мактабларининг ҳар хил турлари, яъни мактаб-комплекс, лицей, гимназия, иқтидорли болалар мактаби, катта ёшлилар таълим маркази янги тармоқлари яратилиши мумкин.

Умумтаълим мактаблари ушбу Низом асосида педагогик жамоанинг хусусиятлари ва тараққиёт истиқболларини, мактаб жамоа аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчларини, мактабнинг фаолият қоидаларини белгилаб берувчи ўз Уставини ишлаб чиқади.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун талабларидан келиб чиқиб мактабда таълим босқичлари, асосий таълим мажбурийлиги, III босқич таълимга ўқувчилар қабули танлов асосида бўлиши, мактабларда бир ёки бир неча касбга йўналтирувчи таълимни жорий қилиш, ҳамма ўқувчилар учун мажбурий бўлмаган касб таълимини ташкил қилиш мумкинлиги каби масалалар ҳам Низомда эътиборга олинган.

Умумтаълим мактаблари Низомида кўрсатилган ўқувчиларни III босқичга танлов асосида қабул қилиш энг жиддий масалалардан биридир. Чунки Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 август 406-сонли қарори билан тасдиқланган тартибга кўра 1998/99 ўқув йилида таълимнинг янги босқичига ўтилади. Шу сабабли 9 йиллик мажбурий таълимга 1998/99 ўқув йилида тўлиқ ўтилади ва шу ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларининг ихтисослашган синфларига ўқувчилар танлов асосида қабул қилинадилар. Шу даврга қадар умумтаълим мактабларида ихтисослашмаган синфларга ўқувчилар умумий асосда қабул қилинишлари керак.

Таълимнинг давлат ва мактаб компонентлари ва уларни бажаришдаги ихтиёрийлик ва мажбурийлик, уй шароитида ўқишни ташкил қилиш, таътил кунларини аниқ белгилаб берилиши, уй вазифаларини мажбурий эмаслиги, ўқитувчи ва ўқувчилар, мактаб раҳбарлари вазифалари, ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб берилиши, мактаб ишларини ҳозирги замон талабида ташкил қилишга имкон яратиб беради.

Мактаб ишларини бошқаришда конференция, педагогик кенгаш, мактаб кенгаши каби жамоатчилик асосида бошқарув тизимлари таълим-тарбия ишларини демократик асосда ташкил қилишга қулай имкониятлар яратиб беради.

Бозор иқтисодиёти шароитида мактаб молия ишларини бошқариши учун унинг банкларда махсус ҳисоб рақами бўлиши ҳам унинг молиявий мустақиллигини таъминлаб беради, Низомда бу масалалар ҳам кенг ўрин олган.

Мактабнинг хусусий маблағларини тўлдириш йўллари ва пуллик хизмат турлари ҳам Низомда акс эттирилган.

II. ГИМНАЗИЯ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Мамлакатимиз таълим муассасалари таркибида умуман янги муассаса гимназия 1991 йилдан бошлаб ташкил қилинди.

Ушбу янги турдаги таълим муассасасининг Низомини яратишда хорижий мамлакатларнинг тажрибалари ва уларни шу 3 йил мобайнида Ўзбекистон шароитини ҳисобга олиб жорий қилинишини эътиборга олган ҳолда амалга оширилди.

Гимназия-иқтидорли болаларга 1 дан 11-синфгача таълим ва тарбия беришга йўналтирилган ўрта умутаълим ўқув муассасасидир.

Гимназия изланишлар, ривожланган янги мазмундаги таълимни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш ҳамда уларни амалга оширишнинг форма ва услубларини ташкил қилувчи ижодий муассасадир.

Унинг асосий мақсадлари бу болаларни индивидуал қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларни узлуксиз, ҳар томонлама ва кетма-кет ўсишларини максимал таъминловчи шарт-шароитлар (ижтимоий, иқтисодий, руҳий, маданий-тарихий, маънавий, эстетик, педагогик ва бошқалар) мажмуасини яратиш; ўқувчиларга таълимнинг давлат стандартлари талабларидан юқори бўлган илм олишини таъминлаш, шахснинг тафаккурий, маънавий, гуманитар-эстетик ва жисмоний такомиллашиши учун қулай шароитлар яратиш; ўқувчининг ижодий имкониятларини очиш ва активлаштиришдан иборатдир.

Гимназия ўз фаолиятини умумтаълим мактаблари тўғрисидаги Низомга ва ўзининг ушбу Низом асосида ишлаб чиқилган Устави асосида иш юритади. Гимназия ҳам мустақил юридик шахс бўлиб, Ўзбекистон Республикаси рамзи ва ўзининг номи туширилган муҳрига, бурчак штампига, шунингдек тегишли нусхадаги лавҳасига эга бўлади.

Гимназия умумтаълим дастурлари даражасига мос ҳолда уч босқичдаги таълим жараёнини амалга оширади: I-босқич— бошланғич, II босқич— таянч, III босқич — ўрта, ҳар бир босқичдаги ўқиш муддати ва болаларнинг ёши Гимназия Устави билан белгиланади.

Гимназияда иқтидорли ўқувчилар ўқиши ташкил қилиниши муносабати билан унга маълум синовлардан (асосан психологик) ўтган ўқувчилар танлов асосида қабул қилинади.

Шу сабабли гимназия синфларидаги умумтаълим мактабларидан фарқли равишда ўқувчилар 16-20 нафардан иборат бўлади. Чуқурлашган дастур бўйича фанлар ўрганишда ва амалий машғулотлари ўтказишда синфлар икки гуруҳга бўлинади. Синфни уч гуруҳларга бўлиш, шунингдек бошқа фанларни ўрганишда ҳам гуруҳларга бўлиш, гимназиянинг мавжуд иш ҳақи фонди ва жалб этилган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Ўқув йили давомида синфлардан ўқувчилар чиқиб кетган тақдирда ўқувчилар сони 12 нафардан кам бўлмаган синф ташкил қилиш ҳам мумкин.

Ушбу янги турдаги таълим муассасаси умумтаълим мактабларининг бир тури бўлгани сабабли гимназияни битирган ўқувчиларга барча умумтаълим муассасалари учун ягона нусхадаги ўқув муассасасининг тури кўрсатилган таянч ёки ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжатлар берилади.

Таълим соҳасида жиддий изланишлар олиб борилаётгани сабабли гимназия амалдаги Қонунларга, шунингдек умумий таълим мактаблари ҳақидаги Низомда кўзда тутилган тартибларга мувофиқ, таълим-тарбия ишларини ташкил қилишга оид халқаро фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.

*Ёз ёпинчиғингни ташлама...*

## АЁЗ ЭШИК ҚОҚМОҚДА, ЛЕКИН...

Қиш ғамини ёзда е, деган доно халқимиз. Бу бежиз эмас, албатта. Қишнинг қаҳратони унга яхши тайёргарлик кўриб бормаганларни кўп ҳолда доғда қолдириши мумкин. Чунки, кўпгина муҳим юмушларни, жумладан иситиш воситаларини қишнинг ўзида тартибга келтириш, таъмир қилиш анча мушкул, ёқилғи (кўмир, ўтинни) ғамлаб қўймаслик эса яна ҳам панд бериши мумкин.

Кўксарой... Нурота тоғ тизмаларининг шундоққина биқинидаги эгри-бугри қир адирлар ўртасида жойлашган қишлоқ. Бу қишлоқнинг кун чиқар томонида эса 21-ўрта мактаб жойлашган. Билим маскани аслида Хатирчи тумани маорифининг илк қалдирғочларидан. Мактаб биноси 1969-1970 йилларда ҳашар йўли билан қурилган. Бугунги кунда бу ерда 136 нафар толиби илм таълим олади. Уларга 22 нафар ўқитувчилар сабоқ беради. Хўш, зиё масканида қишки мавсумга тайёргарлик қандай?

Биз яқинда мактабдаги мавжуд иситиш тизимлари аҳволини кўздан кечирганимизда, қишга тайёргарлик борасида олиб борилаётган ишлардан мутлақо қониқмадик. Ачинарлиси шундаки, октябрь охирлаб, аёз эшик қоқаётган бўлишига қарамасдан ҳалигача (синфхоналардаги) иситиш тизимларининг биронтаси ҳам сифатли таъмир қилинмаган. Синфхона ичкарисидан зах ҳиди анқийди. Парта, стол, стул ва бошқа зарур жиҳозлар ниҳоятда эски. Ҳаттоки оддий электр чироғи ҳам ўрнатилмаган.

Бизга мактаб илмий бўлим мудири Бегдулла Саъдуллаев куйинчаклик билан шундай деб жавоб берди:

— Мухбир ука, бизни бу ерда энг қийнаётган асосий масала бу — кўмир. Агар кўмир масаласи шу яқин ўртада ҳал бўлмас экан, «аҳвол эски тос, эски ҳаммом» бўлиб қолаверади.

Наҳотки, Хатирчи туман халқ таълими бўлими ҳамда жамоа хўжалиги раҳбарияти, қишлоқ болаларини қишнинг қирчиллама совуқ кунларида иссиқ синфхоналарида ўтириб сабоқ тинглашларини истамаса?

Истасади-ку, фақат бироз...

**Улуғбек ЖУМАЕВ,**
**«Маърифат» мухбири.**

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти раҳбарияти, гуманитар факультетлар, чет тиллар кафедра аъзолари кафедра мудираси, доцент Д. Абидовага турмуш ўртоғи

Пўлат ТЕМИРХЎЖАЕВ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти маъмурияти ва касаба уюшмаси ҳамда жамоаси институт ходими Василий Бойкога турмуш ўртоғи

Антонина БОЙКОнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент қурилиш-коммунал коллежи маъмурияти шу коллежнинг Ғазалкент шаҳридаги филиали кечки бўлимининг мудири Турсунхўжа Алихўжаевга отаси

Саъдулло ҚОРИ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**«МАЪРИФАТ»**

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.*

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жа[воб] қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Улуғбек Жумаев.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0509. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6